Давлат китоб палатаси ЎзССР

Ilm o'zni bilmakdir

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1997 йил 3 декабрь, чоршанба | Баҳоси сотувда эркин нархда. | № 93 (6989)

Da'vat

Илм билан амалиёт туз билан таомга ўхшайди.

Мажид ХАВОФИЙ.

Ibrat

Бахмал туман маданият бўлими жамоаси Усмат шаҳарчасидаги болалар боғини ўз ҳисобидан таъмирлаб беришмоқда. Улар бугунгача боғда 40 минг сўмлик таъмир ишларини бажаришди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг қарори

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўнинчи сессиясини чақириш тўғрисида

Узбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Кенгаши **қарор қилади:**

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўнинчи сессияси 1997 йил 25 декабрь куни Тошкент шаҳрида чақирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э. ХАЛИЛОВ.

Тошкент шаҳри,
1997 йил 28 ноябрь.

* * *

Олий Мажлис ўнинчи сессиясининг муҳокамасига қуйидаги масалаларни киритиш мўлжалланмоқда:

1. Узбекистон Республикасининг 1998 йилги давлат бюджети тўғрисида.
2. Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришга қаратилган қонунларнинг лойиҳалари тўғрисида:
2.1. Узбекистон Республикасининг Ер кодекси лойиҳаси ҳақида.
2.2. Қишлоқ хўжалик корхоналарининг сертификация тўғрисидаги қонун лойиҳаси ҳақида.
2.3. Деҳқон хўжалиги тўғрисидаги қонунга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида.
2.4. Гаров тўғрисидаги қонунга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида.
3. Узбекистон Республикасининг Оила кодекси лойиҳаси тўғрисида (биринчи ўқишда).
4. Оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонун лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқишда).
5. Усимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси ҳақида.
6. Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси ҳақида.
7. Узбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисидаги қонун лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқишда).

Депутатлар муҳокамасига ана шу масалалар билан бир қаторда Олий Мажлиснинг ваколат доирасига кирувчи бошқа масалаларни ҳам ҳавола этиш мўлжалланмоқда.

8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни

ТАРАДДУД

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунини муносиб нишонлаш юзасидан Сурхондарё вилояти халқ таълими бошқармаси ҳам маълум ишларни амалга ошириб келмоқда. Ноябрь ойида барча таълим муассасалари раҳбарларига, яқинлашиб келаётган Конституция кунини нишонлаш бўйича кенгайтирилган тадбир ишлаб чиқиб, шу асосда уларни ташкил этиш топширилди. Тадбирларда давра учрашувлари, семинар ташкил этиш кўзда тутилган. Ҳозирда ана шу тантаналарни кўтаринки руҳда ўтиши учун шароитлар яратилаяпти.

Барча таълим муассасаларида, жумладан, Термиз шаҳридаги 10, 12, 13-мактаблар, Қумқўрғон тумани халқ таълими бўлими мактабларида «Сиз Қонунни биласизми?», «Ҳуқуқий давлат нима?», «Таълим Қонуни ва унда белгиланган билим олиш билан боғлиқ ҳуқуқларни биласизми?» мавзуларида бўлиб ўтиши мўлжалланган йиғилишлар кўпчиликни бефарқ қолдирмаса керак.

Дилбар АШУРОВА.

Ko'rik-tanlov

«СИЗ ҚОНУННИ БИЛАСИЗМИ?»

Шу кунлари республика мактабларида ана шу мавзуда кўрик-танловлар бошланди. Ушбу кўрик-танловнинг асосий мақсади ва шартлари хусусида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги маънавият ва қўшимча таълим бошқармаси бошлиғининг муовини Тоира Султонова билан мулоқотда бўлдик.

— Кўрик-танловнинг асосий мақсади давлатимиз Конституцияси, Президентимиз фармонлари, мамлакатимизда қабул қилинаётган қонунларга ёш авлоднинг ҳурмат билан қараш туйғуларини тарбиялаш, уларда она-Ватанга муҳаббат, келажакка ишонч руҳини шакллантириш, қонунлар таргиботи билан ёшлар ва ўсмирлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ҳолатларини, жиноятчилик иллатларини камайтириш ҳамда олдини олиш, ёшларнинг жамиятда Қонуннинг устивор бўлишига эришишда фаол қатнашиши, уларнинг ўз ҳуқуқларини тўла англаб етишига кўмаклашиш, ўсиб келаётган ёш авлоднинг ҳуқуқий билимларини мустаҳкамлашга ёрдам беришдир.

Ана шу мақсадда Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» жамғармаси, Узбекистон Республикаси Олий суди, республика Ички ишлар, Адлия, Халқ таълими вазирликлари ва шунингдек Узбекистон телерадиокомпанияси бирлашиб, қўшма қарор қабул қилишди. Ушбу қарордан келиб чиқан ҳолда республикамиз барча мактабларининг юқори синф ўқувчилари ўртасида «Сиз қонунни биласизми?» кўрик-танлови ўтказилаяпти.

Мазкур беллашув тўрт босқичдан иборат бўлиб, 1-босқич республикамизнинг барча туман, шаҳарларидаги ўрта мактабларда 1997 йил декабрь — 1998 йил январь ойларида, 2-босқич Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларда февраль — март ойларида, 3-босқич республикамизнинг ҳудудий бўлинишига қараб, 6 та минтақада март-апрель ойларида, 4-босқич — республика якуний босқичи 1998 йил май ойида ўтказилади. Бу маърифий ва маданий тадбирни муассислар анъанавий турда ҳар йили ўтказишга қарор қилди.

Кўрик-танловнинг асосий шартлари тўғрисида айтадиган бўлсак, иштирокчилар беш турдаги шартларни бажариши керак. Булар — командаларнинг ўзларини таништириши, қатнашаётган ўқувчиларнинг ҳуқуқий билимларини аниқлаш мақсадида савол-жавоблар, ҳуқуқий билим асосида саҳнавий кўриниш тайёрлаш, сардорлар беллашуви ва бадиий чиқиш.

Жойларда мазкур кўрик-танловнинг ўтказилиши муносабати билан ушбу чора-тадбирларда маҳаллий ҳокимият органлари, туман, шаҳар ички ишлар, прокуратура, халқ таълими бўлимларидаги мутасадди кишиларнинг фаол иштирок этиши ўқувчиларимизга ҳам маърифий, ҳам маънавий озуқа бўлиб, муҳим аҳамият касб этиши табиийдир.

Суҳбатдош Нурлан УСМОНОВ.

Obuna-98

МУҲТАРАМ МУШТАРИЙЛАРИМИЗГА!

Ассалому алайкум. Аввало газетамизни йил бўйи олиб ўқиётган азиз муштарийларга ҳамда келгуси йил учун аллақачон обуна варағини тўлдириб, расмийлаштириб қўйган биродарларимизга, обунада зиёлиларимизга ёрдам бераётган саховатпеша ҳомийларимизга самимий ташаккуримизни билдирмоқчимиз. Бунинг зарурати, аҳамиятини Сиз — зиёли аҳлига тушунтириш ортиқчадек. Чунки ўқимаслик, фикрламаслик билан, фикрламаслик эса, донишлар айтмоқчи, ҳаётнинг тўхташи билан баробар эканлигини ҳар бир инсон илк бора муҳтарам устози яъни, ўзингиздан эшитган.

«Хўп, биз обуна бўлдик, бўлмоқчимиз, келгуси йили газетада бизга нималарни ёзмоқчисиз?» деган савол муштарийда туғилиши табиий.

Аввало таълимдаги янгиликлар, ўзгаришлар, ўзига хос тажрибаларни ёритиш, янаям аниқроғи яқинда Олий Мажлис томонидан қабул қилинган янги «Таълим тўғрисида» Қонун ва Қонун асосидаги «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг ҳаётга татбиқ этилиши, ислоҳотларнинг бориши, ютуқлар ҳамда муаммоларни таҳлил этиш газетамизнинг асосий мақсади бўлиб қолаверади.

Маълумингизким, Миллий дастурни рўёбга чиқариш учун уч босқич белгиланди. Шу йилдан 2001 йилгача бўлган давр биринчи босқич ҳисобланади. Дастурда вазифалар ёзилган бўлиб, келгусида биз шу жараённи кўрсатишга ҳаракат қиламиз. Масалан, унда: «Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими учун зарур-моддий техника, ўқув-услубий ва кадрлар базасини тайёрлаш», деган абзаци бор. Хўш, бу ишни амалга ошириш учун кимлар масъул? Унда корхоналар, вазирлик, вилоят халқ таълими бошқармаси, малака ошириш институти, қолаверса, ўқитувчиларнинг вазифалари, шахсий улушлари нималардан иборат? Ва ҳоказо саволларга жавоб изланади. Миллий дастурда эса бундай абзацлар талайгина.

Мазкур ўқув йилидан учинчи синфларимиз ҳам лотин ёзувига асосланган янги алифбомизга ўтишди. Кейинги йил сентябрдан эса 4-5-синфлар ҳам янги алифбога ўтишади. Бу жараёндаги барча ахборотлар билан бирга газетамизда ойида бир, кейинчалик икки саҳифа янги алифбонинг ўзига хос жиҳатлари ҳақида мутахассисларнинг махсус сабоқлари, бошланғич таълим муаллимлари учун дарс режалари, дарсда асқотадиган дидактик материаллар бериб бориш ниятидамиз. Ҳуқуқий ва иқтисодий таълим, рейтинг тизимига ўтиш борасидаги янгиликлардан мухлисларни мунтазам таништириб борамиз.

Шу кунлари жойларга чиқиб ёки келаётган хатлар орқали муштарийлар фикрини ўрганяпмиз. Ҳар хил фикр, истаклар йиғилди. Уларнинг аксарияти имкониятимиз доирасида. Масалан, халқаро сиёсий хабарларнинг, спорт янгиликларини, шунингдек турли қизиқарли воқеаларни кўпайтириш ва уларнинг доимийлигини сақлаш истаги билдирилган. Келгуси йил ҳам «Жумлада жаҳон», «Хориж тўлқинларида», «Спорт майдончаси» ва «Ҳуллас... ана шунақа гаплар» рукнида қизиқарли янгиликлар беришни давом эттирамиз.

Яна бир қизиқ ҳолат. Учрашувлардан бирида ёш муаллималаримиздан бири «Уй тутиш ва пазандалик маслаҳатлари»ни, бошқаси «Қиз тарбияси» ҳақида рукн очинглар деган таклифларни айтдилар.

Айримлар булар ҳақида алоҳида нашрлар бор-ку, дея эътироз билдирдилар. Бироқ бугунги тикланиш, иқтисодий ўсиш жараёнида ўша нашрларнинг барчасига обуна бўлишнинг имкони йўқ. Биз аҳволни тушунган ҳолда бу таклифларни инобатга олишга баҳоли қудрат ҳаракат қиламиз. Нега баҳоли қудрат деяпмиз? Чунки газетамиз ҳозирча тўрт бет, ҳафтада икки марта чиқади. Жой чекланган. Яхши ниятдамиз — келгусида унинг ҳам ҳафтада иккитадан кўпроқ маротаба чиқишига ва саҳифасини орттирамиз, дея бел боғлаганмиз.

Сиз ўқишдан, фикр билдиришдан, биз ёзишдан толмайлик, доим бирга бўлайлик, азизлар!

Ҳалим САЙИД.

JUMLADA JAHON

• Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга Покистон Ислом Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Шахриёр Рашид ҳамда мамлакатимиздаги Янги Зеландия ва Филиппин Республикасининг Фавқулодда ва Мухтор элчилари Жон Питер Ларкендейл ва Жейм Салседо Баутиста ишонч ёрлиғини топширди.

• Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Россия Федерацияси Свердловск вилояти губернатори Эдуард Росселни қабул қилди.

• Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг таклифига биноан мамлакатимизга ташриф буюрган Латвия Республикаси Саэймси Раиси А. Чепанис бошчилигидаги шу мамлакат парламенти делегацияси мамлакатимизга ташриф буюриб, республикамиз қонун чиқарувчи органи, унинг қўмиталари, сиёсий фракциялар, парламентнинг бошқа институтлари билан яқиндан танишдилар.

• Россия Федерацияси Президенти Борис Ельцин журналистлар билан бўлган учрашувда баёнот бериб, ўзининг январь ойида Чеченистонга ташриф буюриб, ушбу республика раҳбарияти билан у ерда иқтисодиёт ва халқ хўжалигини кўтариш ва Москва билан Грозний ўртасидаги бир талай можароли масалаларни муҳокама этажагини айтди.

• Франция ташқи ишлар вазири Юбер Ведриннинг Яқин Шарқ бўйлаб сафари хулосаларига кўра бу ҳудудда тинчлик ўрнатишга монелик қилаётган масала — фаластинликлар ва Исроил ҳукумати манфаатларининг бирдек ҳимоя этилмаётганлигидир.

• Афғонистондаги толибларга қарши иттифоқ раҳбарларидан бири генерал Абдурашид Дўстум «Толибон» ҳаракати қароргоҳига афғон можаросини тинч йўл билан ҳал этиш масаласи муҳокамаси учун ўзининг махсус вакилини юборгач, бу учрашувни юқори баҳоланган толиблар ҳам ўз вакилларини қарама-қарши томон қароргоҳига жўнатишни лозим топган.

«КОНСТИТУЦИЯ ВА БИЗ»

Шаҳар қўшимча таълим комплексида кейинги ойлар мобайнида туман мактаб ўқувчилари ўртасида бир қанча танловлар ўтказилди. Бу тадбирларнинг энг муҳим жиҳати, ғолиб ўқувчиларнинг моддий жиҳатдан рағбатлантирилишида.

Ўтган ҳафтада бўлиб ўтган «Конституция ва биз» мавзуидаги кўрик-танловда Чилонзор тумани болалар етакчилари беллашди. Қатнашчилар конституциявий билимларини намойиш этиш билан бирга ўзлари олиб бораётган ишлар тўғрисида ҳам сўзладилар. Ушбу танловда ғолибликни тумандаги 128-мактабнинг етакчиси Наргиза Норқулова эгаллади. Мутлоқ ғолиб бўлган Наргизага танлов ҳомийларининг совғалари топширилди.

Ўз мухбиримиз.

«ДУНЁ БОЛАЛАРИ ВА СПИД»

БМТнинг ВИЧ/СПИД бўйича Умумлашган Дастурида келтирилган маълумотларга кўра, дунёда ҳар куни 1000 нафар бола ВИЧ (одам иммунитети танқислиги вируси) билан касалланмоқда. БМТ/СПИД тахминига кўра, 1997 йил охирига келиб 15 ёшгача бўлган 1 миллион бола бу вирус билан касалланади ҳамда унинг жисмоний ва руҳий асоратларидан азобланади. СПИД эпидемияси бошланганидан буён ВИЧ юқтирган оналардан бу вирус билан касалланган 2 миллион бола туғилган, юз минглаб болалар эса бу вирусни қон қуйиш орқали, жинсий йўл ва наркомания (гиёҳвандлик) орқали юқтирганлар. Экспертларнинг маълумотларига қараганда, дунёда 9 миллиондан ортиқ бола СПИД натижасида онасини йўқотган.

Бугунги кунда ота-оналар учун бола тарбиясидаги энг мураккаб мавзу — жинсий тарбиядир. Биз, кўпинча, ота-она сифатида фарзандларимизнинг жинсий тарбиясини ҳаётнинг ўзи (ёки мактабдаги ўқитувчиси) амалга оширади, деб умид қиламиз. Лекин, ўзимиздан қиёс, ҳаёт мактабини ҳар биримиз кучимиз ва ақл-фаросатамиз етганича ўзлаштирамиз. Чунки ҳаёт дарсларини тўғри ўзлаштириш учун ҳам инсонда маълум бир маънавий пойдевор, яъни ахлоқий тушунчалар бўлиши лозим. Бу тушунчаларни эса бола ўзига энг яқин бўлган муҳит — оилада ўзлаштириб олиши мумкин. Демак болани ҳаёт сабоқларини мустақил ўзлаштиришга тайёрлаш — ота-она учун ҳам фарз, ҳам қарз.

Маълумки, тарбия жараёни қанчалик эрта бошланса, шунчалик яхши натижалар беради. Жинсий тарбиялаш, шу нуқтаи назардан, 3 ёшдан,яъни бола ўзининг маълум бир жинс вакили эканлигини англаганидан бошлаб амалга ошириш мақсадга мувофиқ. Шартли равишда бу жараённи уч босқичда амалга ошириш мумкин:

I-босқич — болани инсон танасининг тузилиши, унинг энг оддий анатомик ва физиологик хусусиятлари билан таништириш, уни ўзи мансуб бўлган жинсга доир гигиеник талабларга риоя қилиб боришга ўргатиш;

II-босқич — болага жинслар ва улар орасидаги фарқлар ҳақида энг умумий маълумотларни бериш, уни қарама-қарши жинс вакилини ҳурмат қилишга ўргатиб бориш;

III-босқич — болани пубертат (жинсий етилиш) даври билан боғлиқ бўлган муаммоларга тайёрлаш, жинслараро мулоқот психологияси ва жинсий муносабатлар ҳақидаги илк тушунчаларни бериш, бу давр билан

(Давоми 4-бетда).

НОГИРОНЛАР ҲИМОЯДА 2-бет.

ШИША КЎЗ (Қисса) 4-бет.

Arafa

БАЙРАМОНА РУҲДА ЎТДИ

Фарғона вилояти халқ таълими тасарруфидаги барча таълим муассасаларида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинганлигининг 5 йиллиги муносабати билан давра суҳбатлари, учрашувлар, турли тадбирлар ўтказилмоқда.

Вилоятда ўтказилган ҳар бир тадбир ўзининг долзарблиги ва ҳаётийлиги билан ёшларда қизиқиш уйғотди. Ўқувчиларда Ватанга муҳаббат, ғурур, давлатимизнинг миллий мафкурасини идрок этиш, буюк Ўзбекистон Давлат рамзларига чуқур эҳтиром уйғотиш мақсадида «Давлат рамзлари билимдонлари» кўрик-танлови ўтказилди.

«Давлат рамзлари билимдонлари» вилоят кўрик-танловини боғчаларда, умумтаълим мактабларида, билим юртларида, мактабдан ташқари муассасаларда босқичма-босқич ўтказилиб, биронта ҳам ўқувчи четда қолмади. Вилоят миқёсидаги танлов шаҳарлар ва туманлараро ўтказилиб, кўргазмалар ташкил этилди.

Ушбу кўрикда Тошлоқ туманидаги 2-гимназия ўқувчилари 148 балл тўплаб 1-ўринни олди. Учкўприк туманидаги 20-мактаб 133 балл тўплаб 2-ўринга, Қирғули ва Дангара тумани ўқувчилари 132 балл билан 3-ўринга сазовор бўлдилар.

Танлов ғолиблари ва иштирокчиларига вилоят халқ таълими бошқармасининг «Фахрий Ёрлиқ»лари ҳамда совғалар топширилди. Фарғона вилояти троллейбус бошқармасининг бошлиғи Т. Турақулов, Фарғона шаҳар ёнғиндан сақлаш бошқармасининг бошлиғи А. Жўраевлар қатнашчиларни қўллаб-қувватлаб, ёшларга ўзларининг қимматбаҳо совғаларини ҳадя этдилар. Фарғонада «ноябрь — ҳуқуқ ойи» деб эълон қилинди. Ушбу ойда барча таълим муассасаларида ҳуқуқ-тартибот ходимлари билан учрашувлар ўтказилмоқда. «Сиз ҳуқуқни қандай биласиз?» мавзуида кўрик-танлов ўтказилди.

Тошлоқ туманининг 2-ўрта мактабида болалар ва ўсмирлар ижодиёти ташаббуси билан «Қонун барчага баробар» мавзуида прокуратура, суд, ички ишлар ҳамда «Камолот» жамғармасининг шаҳар бўлими иштирокида давра суҳбати ўтказилди. Ушбу учрашувда барча мактаб болалар етакчилари иштирок этишди. Қизиқарли тадбирлар нафақат ўқувчилар иштирокида, балки ўқитувчилар иштирокида ҳам ўтказилмоқда. 25 ноябр куни вилоят педагогик ходимлар малакасини ошириш институти бошланғич таълим бўлими тингловчилари томонидан «Ўзбекистон Конституцияси — мустақиллигимиз пойдевори» мавзуида бадиий адабий композиция намойиш этилди. Байрамона руҳда ўтган бундай тадбирлар ёшларимиз ҳаётидаги унутилмас воқеа бўлиб қолди.

Замирахон ШОДИЕВА, вилоят мактабдан ташқари муассасалар методик маркази директор муовини.

МММ — ХАБАРЛАРИ

ХИВА ТААССУРОТЛАРИ

Яқинда А. Навоий номидаги республика Нафис санъат лицейининг бир гуруҳ ўқувчилари қадимий ва ҳамиша навқирон Хева шаҳрига саёҳат қилиб қайтдилар. Улар бир қанча қадимий обидаларни зиёрат қилиб, жаҳон маданияти саҳнасига буюк алломаларни етказиб берган она шаҳарнинг ўтмиши ва бугуни ҳақида етарли тасаввурга эга бўлдилар. Узликни англашга қаратилган ушбу саёҳат ўқувчилар хотирасида узоқ вақт сақланиб қолса, ажаб эмас.

Шухрат ТЎПАЕВ.

АСРЛАРГА ТАТИГУЛИК УМР

Мамлакатимизда йилдан-йилга байраму тантаналар кўпаймоқда. Бу ҳолни рамзий маънода ҳурликда учиб юрган қушларнинг мамнун ва шодон парвозига қиёслаш мумкин. Ана шулардан бири оташқалб ва букилмас ирода соҳиби бўлган атоқли адибимиз Абдулҳамид Чўлпон таваллудининг бир асрлик тўйидир.

Бу кенг нишонланаётган юбилей тантаналаридан бири Ғиждувон туманидаги 7-умумтаълим мактабида бўлиб ўтди. «Чўлпон — 100 ёшда» деб номланган ушбу адабий кечада адибнинг машаққатли ҳаёт йўли, сўнмас ижодий фаолияти ҳақида сўз борди.

Дилмурод ГУЛМУРОДОВ.

«ОРЗУ»ДАГИ ЯНГИЛИК

Шовот туманидаги 5-сон «Орзу» боғчаси таркибида боғча-гимназия очилди. Танлов асосида 45 бола ўқишга қабул қилиниб, улар қобилиятли ва моҳир устозлар қўлида таҳсил ола бошладилар. Алқисса, ушбу хайрли иш тумандаги иқтидорли болалар билан ишлаш борасидаги яна бир қутлуғ қадам бўлди.

Боғча-гимназиянинг ўқув-моддий базасини мустаҳкамлаш учун туман халқ таълими бўлими мутасаддилари қатъий ҳаракат қилмоқдалар.

Ғойиб ЁҚУБОВ.



Мирзо Улуғбек туманидаги 49-мактаб пойтахтдаги етакчи илм масканларидан. Ушбу билим даргоҳида инглиз тили чуқур ўргатилади. Сиз кўриб турган суратда Маъсуда Қодирхўжаева 10-синф ўқувчиларига адабиётдан сабоқ бермоқда.
Муҳаммад АМИН олган сурат.

Seminar

МУҲИМ ҲУЖЖАТ МОҲИЯТИ ТЎЛА ЎЗЛАШТИРИЛДИМИ?

Узбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида»ги Қонунини ва «Кадрлар тайёрлаш бўйича дастур»ни қандай тушуниб олдик, бу муҳим ҳужжатларни қай тарзда ўзлаштирдик? Агар раҳбар ўзи тушуниб етмаган бўлса, уни муаллимларга, ота-оналарга ўргатиши қийин кечмайдими? Куни кеча Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги 249-мактабда ўтказилган семинар-кенгашда ана шу масалалар хусусида атрофлича гаплашиб олинди. Унда боғча мудиралари, мактаб раҳбарлари, мактабдан ташқари муассасалар директорлари қатнашишди.

Кенгашда ўринли таъкидланганидек, ҳозир ота-оналар, ўқувчилар, ҳаттоки, муаллимларнинг айримлари маорифимиз келажагини белгилайдиган ҳужжат моҳиятини тўлиқ англаб етишга интилишмаяпти. Дастурнинг миллийликка йўғрилган модели, тизими, тузилиши ҳақида етарли билимга эга эмаслар. Шу боис улар фарзандлари тақдирини ўйлаб, таълим бўлимларига турли саволлар билан мурожаат қилишмоқда.

Фарзанд ҳар бир ота-она учун азиз. Мабодо, унинг ўғли ёки қизига касб-ҳунар лицейи бўйича таълим берилса, ғуё фарзанди камситилаётгандай...

Миллий дастур моҳияти шундаки, бунда инсон ўзлигини англаб етади. Барча-барчанинг фарзандларини мактабга тайёрлашга масъуллиги ошиб боради. Муҳими, бу жараён рақобатбардош кадрлар тайёрлашга олиб келади. Шу билан бирга инсонларнинг маънавий қиёфасини шакллантириб боришга эришилади. Тўғри, айни кунда эл эътиборига тушган илм масканлари бор. Уларда таълим сифати кафолатланяпти. Ўқувчиларни ишга жойлаб қўйишни ҳам зиммасига олмоқда. Албатта, булар миллий дастур бўйича қўйилган дастлабки қулуғ қадамлардир.

Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси бошлиғи Ҳамидулла Йўлдошев, Собир Раҳимов тумани халқ таълими бўлими мудири Абдулла Раҳматуллаевлар ҳам дастур бўйича тузилган ишчи гуруҳи фаолияти, шунингдек, шаҳар, туман миқёсида қилинаётган ижобий ишлар ҳақида атрофлича сўз юритдилар.

Иккала ҳужжатни чуқур ўрганиш, ҳаётга тадбиқ этиш бўйича 25-ҳунар-техника билим юрти директори Владимир Редин, 23-мактаб директори Шаҳодат Абдураҳмонова, 522-болалар боғчаси мудираси Мавжудахон Ғиёсовалар ҳам ўз тажрибаларини ўртоқлашишди.

Туман миқёсида ўтказилган бу семинар-кенгашда Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Жура Йўлдошев иштирок этиб, туман халқ таълими бўлими, мактаб раҳбарларининг миллий дастур асосидаги вазифаларига батафсил тўхталди. Умуман олганда, бу семинар баҳс ва мунозараларга бойлиги, фикрлар теранлиги, таҳлилнинг кенглиги билан бошқа йиғилишлардан кескин фарқ қилиб турди. Энди кенгаш болалар боғчаларида, ўқув даргоҳларида, мактабдан ташқари муассасалар жамоаларида, ота-оналар орасида давом эттирилади, дастур кенг муҳокама қилинади. Мактабга тайёрлаш марказлари, бошланғич ва таянч мактаблари, учинчи босқич таълими ҳақида яна бир бор батафсил тушунчалар берилади.

Семинар-кенгашда Узбекистон Республикаси Президенти девони Бош консультанти Тоҳиржон Иминов иштирок этди.

Курбонбой МАТҚУРБОНОВ.

ХОРИЖ ТЎЛҚИНЛАРИДА

Америка Қўшма Штатлари билан Оврўпа Иттифоқи Ер иқлимининг қизиб боришига қарши курашнинг энг яхши деб топилган усули юзасидан яна келиша олмадилар. Ушбу масала Японияниг Киёте шаҳрида ўтказилаётган анжуманда муҳокама этилмоқда. АҚШ вакилининг айтишича, Оврўпа иттифоқининг иқлим қизиб кетишига сабаб бўлаётган заҳарли газлар чиқаришни ўн беш фоизга камайтириш режасидан ташвиш билдирган. Анжуманда бир юзу олтмиш мамлакат вакили қатнашмоқда.

* * *

Россия федерал хавфсизлик хизматининг маълум қилишича, улар Ростов минтақасида Америка фуқаросини айғоқчилик шубҳаси остида ушлаган хавфсизлик хизмати воизи бу одамнинг исми Ричард Лаурен Близ экани ва ўтган сешанба куни қамоққа олинганини айтган. У бошқа тафсилотларни келтирмаган, лекин Москвадан келган хабарларга кўра жаноб Близ Ростов ва Батаеский шаҳридаги иншоотлар ҳақида махсус маълумотлар тўплашда айбланмоқда.

«ВВС» (Лондон).

* * *

Покистон суди бугун Бош вазир Навоз Шариф зиммасига юкланган айбларни кўриб чиқишни бошлаган.

* * *

Ғарбий қирғоқнинг баъзи қисмларидан Исроил қўшинларининг шартли чиқарилишини маъқуллаб Исроил вазирлар кабинети овоз берганлигига нисбатан фаластинлик расмий кишилар турлича реакция кўрсатишган.

«Америка овози» (Вашингтон).

Xalqaro hamkorlik

БЕШ ЙИЛ НАТИЖАСИ

Америка Қўшма Штатларининг Тинчлик корпуси мамлакатимизда икки йўналишда — бизнес таълими ва унинг тараққиёти ҳамда инглиз тилини ўқитиш ва унинг услубий базасини ривожлантириш борасида иш бошлаганига беш йил бўлди. Сирасини айтганда, Тинчлик корпуси кўнгиллилари дастлабки йили иш бошлаганида андак хавотир ҳам йўқ эмасди: Кўнгиллиларни ўқувчилар, илм масканлари қандай қабул қилишаркан? Ўғил-қизлар улар талаблари даражасида танланган иккита йўналишни ўзлаштира олармиканлар?

Таҳлиллар шуни кўрсатаяптики, жойларда ўқувчилар, талабалар ўзлаштириши кутилганидан зиёд натижаларни бераяпти. Ҳаттоки, АҚШ Президенти Билл Клинтон рафиқаси Хиллари хоним Клинтон ҳам Бухорода бўлганларида, шаҳарлик ўқувчиларнинг инглиз тилида бурро-бурро гапиришларига, талаффуз қоидаларига аниқ риоя этишларига қойил қолган.

Бирор бир халқнинг дилига кирмоқчи бўлсанг, аввало, унинг тилини, урф-одат, анъаналарини ўрган, дейишади. Дарҳақиқат, Тинчлик корпуси кўнгиллилари ўз хизматларига киришишлардан олдинги уч ойлик тайёрлов курсини ўташ давридаёқ ўзбек тилини қисман бўлса-да ўрганаётирлар. Хизмат вазифалари даврида эса уларнинг болажонлиги, ширин сўзлиги, маҳоратлилиги, дарсларда турли услубларни қўллаши ёрқин намоён бўлмоқда. Зеро, боланинг дилига тил билан кирилади.

Ўтган йиллар ичида республикамизда инглиз тилини ўрганувчи 300 га яқин мактаблар, марказлар очилди. Ҳаттоки, 500 дан ортиқ болалар боғчаларида жажжиларимиз мазкур тилни зўр иштиёқ билан ўрганишяпти. 4000 га яқин мактабларда инглиз тили ўргатилмоқда.

Яқинда қабул қилинган мамлакатимизнинг «Таълим тўғрисида»ги Қонун ҳамда «Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури» ҳар биримиздан таълимга янгича талаблар, янгича қарашни талаб этаяпти. Шу жиҳатдан қараганда, кўнгиллилар ўқувчилару талабаларга ёрдам уюштиришдан ташқари мактаблар ҳамда олий ўқув юртларидаги ўқитувчилар малакасини оширишни ўйлаб кўрсалар фойдадан холи бўлмасди... Шу билан бирга кўнгиллиларни кўпроқ қишлоқ мактабларига жалб этиш лозим. Бу эҳтиёж ҳукуматимиз илгари сураётган фикрларга тўла мос келади. АҚШ Тинчлик корпуси кўнгиллиларнинг Ўзбекистондаги фаолиятининг беш йиллиги муносабати билан ўтказилган вазирликлар, идоралар раҳбарлари, тадбиркорлик палатаси ва бошқа ташкилотлар вакиллари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари ходимлари учрашувида ана шулар хусусида сўз юритилди.

Мулоқотда АҚШ ҳукумати вакиллари Жозеф Брайсель, Жозеф Димпрехт, кўнгиллилардан Жонс Мак, Мэлисса Миллерлар ҳам сўзга чиқиб, ўз фикрларини баён этдилар. Улар икки халқ муносабатларини янада ривожлантириш, маданий алоқаларни кенгайтириш, ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасида кучғайратларини аямасликларини изҳор қилдилар.

Мазкур тадбирда Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов, халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев, олий ва ўрта махсус таълим вазири Оқил Салимов ва бошқалар иштирок этишди.

Қ. МАТҚУРБОНОВ.

ЧЎЛПОННИНГ ОРЗУСИ

Аср боши, яъни 1905-1917 йиллар ҳақида фикр юритилганда, бу давр ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётида ўзбек адабиётининг алоҳида ўрин тутганини таъкидламоқ зарур. Биз бу жумлани исбот этмоқ учун Чўлпоннинг «Дўхтур Муҳаммадиёр» асари устида тўхталишни лозим топдик.

Чўлпоннинг «Дўхтур Муҳаммадиёр» асари ХХ аср бошларидаги ўзбек маърифатпарварлик адабиётида ўзига хос ўрин тутади. Асар 1914 йилда ёзилиб, шу йилнинг ўзида «Садои Туркистон» газетасида босилиб чиққан. Ушбу асар ёзилган давридан бошлаб ҳозирги кунгача ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Чунки ёзувчи фарзанднинг баркамол инсон бўлиб етишишида илмнинг катта аҳамиятга эга эканлигини, илмни чуқур эгаллаш орқали юртимиз истиқболи, келажаги янада юксалишини асар қаҳрамони Муҳаммадиёр образи орқали ишонарли тарзда кўрсатиб бера олган.

Асарнинг бош қаҳрамони Муҳаммадиёр бўлиб, у оддий оилада, камбағал косиб оиласида туғилади. Онаси ёшлигида сил касали билан оламдан ўтган бўлиб, унинг тарбияси билан отаси Ҳожи Аҳмад шуғулланади. Ҳожи Аҳмад оддий сартарош, лекин ўз замондошларидан ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради. Хатто эл орасида «газет ўқийдурғон ва етмиш икки тилни биладурғон» Ҳожи исми билан шуҳрат қозонган. Шунинг учун ҳам асар қаҳрамони Ҳожи Аҳмад оддий сартарош бўлишига қарамай илмнинг қадрига етади. Ўғлининг ўқимишли, илмли бўлишини истайди ва ўйига муаллим олиб келиб ўғлини ўқитади. Шу ўринда китобхон асар қаҳрамони Муҳаммадиёр билан ёзувчи Чўлпон ўртасидаги ўхшашликни кўриши мумкин. Чўлпон ҳам ўз қаҳрамони Муҳаммадиёр каби оиланинг ёлғиз ўғли, иккисининг ҳам оталари фарзанд тарбиясига катта эътибор беришади. Ҳожи Аҳмад каби адибнинг ҳам отаси уйига турк муаллимини (айрим манбаларда татар муаллими деб ҳам берилади) олиб келиб ўғлининг сабоғини унга топширади. Бундан ташқари ота ўғлини рус мактаби, мадрасаларда таълим олдиради ва ўғлининг сабоғини ўзи мунтазам кузатиб боради. Чўлпон ва унинг қаҳрамони Муҳаммадиёрнинг оталарини ҳозирги кунимиздаги айрим оталарга солиштирсак, улар ўртасида катта фарқ борлигини кўрамиз. Сабаб, ҳамма имкониятлар мавжуд бўлган ҳозирги шароитда айрим ота-оналар фарзанд тарбиясига эътиборсизлик билан қарамоқдалар. Ҳатто баъзи ота-оналар «ўқиб олим бўлармидинг?» деб фарзандларининг таълим-тарбиясига эътибор бермай, «Менинг давримда ўйнаб қол!» қабилида иш тутмоқдалар. Ҳатто арзимаган баҳоналар билан болаларини мактабдан чиқариб олиш ҳоллари ҳаётимизда учраб турибди. Тўғри, ҳамма ота-она ҳам шундай эмас. Лекин нима бўлганда ҳам фарзанд тарбиясини эътиборсиз қолдирмаслик керак. Шунинг учун ҳам асар қаҳрамони Ҳожи Аҳмад оддий сартарош бўлишига қарамай илмнинг қадрига етади. Ўғлининг ўқимишли, илмли бўлишини истайди ва фарзандига тарбия беришни Русиядан келган муаллимга топширади. У ҳам ўғлининг ёлғиз муаллим сабоғи билан чекланиб қолишини истамайди ва уни ҳукумат мактабига бермоқчи бўлади. Лекин бу ниятини амалга ошириш унга насиб этмайди, чунки муаллим уйига кетмоқчи бўлади, отабола уни кузатиб қайтишаётганда йўлда ичиб олиб пул талашаётган қиморбозларга дуч келишади ва улар томонидан ўлдириладилар. Ҳожи ўлимидан олдин ўғлига қараб: «Ўғлим! Мерос... санга ўлтирган... жой... васиятим... ўқи... ўқи... ўқи... ўқи... мендур... зомин» (Чўлпоннинг «Дўхтур Муҳаммадиёр» асари. «Шарқ юлдузи» журнали. 1992 йил, 1-сон, 133-бет) деб жон таслим қилади ва 11 ёшли бола — Муҳаммадиёр ҳам ота, ҳам онасиз ёлғиз қолади. У тезда ўзини ўнглаб «Жамияти хайрия» аъзоларининг ёрдами туфайли олдин Боку гимназиясида, кейин Петроград дорилфунунининг тиббиёт бўлимида ўқийди. Ўқишни тугатиб, докторлик шаҳодатномасини олгач, Исвеч (Швейцария) дорилфунунига тажриба ўрганиш учун бориб, у ерда етти сана бўлиб, яна Бокуга қайтади. Бир оз ишлаб, ўзига катта ёрдам берган кишилар билан хайрлашиб юртига қайтади. Ўз юртига қайтиб катта ўзгаришлар бўлганини кўради. Лекин бу асосан руслар турадиган ерлардагина бўлиб, мусулмонлар турадиган ер олдин қандай бўлса, ҳозир ҳам шундай эканлигини кўради. Бундан ранжийди ва шундай дейди: «Халқ ўз фойдасини англаса, миллий мактаб ва мадрасалар очса, Оврупа дорилфунунига болаларни юборса, доктор, адвокат, муҳаррир ва ҳунарманд, савдогар ва муҳандислар чиқса, буларнинг ҳар бири ўз вазифаларида туриб ишларини тартиб ила юргизсалар нақадар олий ва нақадар гўзал бўлур эди!... (Чўлпоннинг «Дўхтур Муҳаммадиёр» асари. «Шарқ юлдузи» журнали, 1992 йил, 1-сон, 133-бет).

Асар бугун ҳам катта маърифий аҳамиятга эга. Буни эса асар қаҳрамони Муҳаммадиёр образи очиб бера олган. Муҳаммадиёр илм орқали барча орзуларини амалга оширади. Ушбу асар билан танишар эканмиз, кўп ўринларда ҳаётий фактларни учратамиз. Масалан, «Жамияти хайрия» ва унинг аъзолари ҳақидаги маълумотларни ёзувчи ўзи тўқиб чиқарган эмас. Маълумки асримиз бошларида бир гуруҳ зиёли кишилар уюшиб, «Жамияти хайрия» тузганлар. Улар ўз ҳисобларидан ўқишга қизиққан, лекин қўли қисқалиги сабабли илм олишга қийналаётган ёшларнинг ўқишига ёрдам берганлар. Ҳаттоҳ чет элларга юбориб ўқиттирганлар. Улар юртининг келажагини ўйлаб шундай қилганлар. 1909 йил «Жамияти хайрия» томонидан Туркиянинг Истанбул шаҳрига бир гуруҳ ёшларининг ўқишга юборилиши бунинг ёрқин далилидир. Мана шулар асосида эл севган шоир, драматург Фитрат ҳам бор эди. Фитрат 1909 йил Туркиянинг Истанбул шаҳрига ўқишга бориб, 1914 йилгача сабоқ олиб, ўзи ҳам талабаларга дарс бериб ўз юртига қайтган. Демак, бу фактларни ёзувчи бўлган воқеалар асосида келтириб, келажакда ёшларнинг ҳам ўз юртларида, ҳам чет элларда ўқиб, юртимизда ҳам маърифий, ҳам маданий соҳаларда катта ўзгаришлар қилишларини орзу қилган. Чўлпон бу орзусининг амалга ошишини ўз кўзи билан кўра олмади.

Чўлпон орзусининг ижросини эса мана бугун биз кўраяпмиз.

Муҳайёхон ҲАМИДОВА,
Адабиёт институти аспиранти.

Maxsus ta'lim

НОГИРОНЛАРНИ ҲИМОЯЛАЙМИЗ

«Таълим тўғрисида»ги Қонун, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» да кўзда тутилган ногиронларни ижтимоий реабилитация қилиш иши зиммамизга кўпгина вазифаларни юклайди. Бу ҳужжатлардаги масалаларни ҳаётга тадбиқ этиш мақсадида махсус таълим соҳаси бўйича муайян ишлар амалга оширилишига масъулмиз.

Махсус таълим тизимини шаклан ва мазмунанг янгилаш, такомиллаштириш, уни жаҳон стандартларига яқинлаштиришга қаратилган махсус таълим концепцияси, логопунктлар ва мактабгача тарбия муассасалари низомлари ҳамда такомиллаштирилган янги ўқув режалари ишлаб чиқилиб, янги ўқув йили олдидан жойларга етказилди. Уларда 1997—2000 йилларда амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар ва ундан кейинги даврда махсус таълим соҳасини ислоҳ қилиш бўйича олиб бориладиган ишлар кўрсатиб берилган.

Умумтаълим мактаблари қаторида махсус таълим муассасалари ҳам янги ўзбек алифбосида савод чиқариш, ҳуқуқий тарбия, маънавият, иқтисод асослари бўйича ўқувчиларга самарали билим бериш ўқув режаларга киритилган. Бундай болаларни ижтимоий, ҳуқуқий кафолатларини ҳимоя қилишга янада жиддийроқ ёндашишимиз керак. Давлатимиз ғамхўрликка тайёр. Махсус таълимнинг узлуксиз тизимини жорий этиш истиқбол дастурига эгамиз. Жумладан, ногирон бола туғилган оилалар ўрганиб чиқилади. Ижтимоий реабилитация билан шуғулланиш илк ёшдан бошланади. Касалликни даволаш бўйича ота-оналарга тиббий, психологик, педагогик маслаҳатлар бериб бориш, ўқув-методик адабиётлар билан таъминлаш, матбуот, ахборот воситаларини фаоллаштириш ва мактабга, таълим муассасаларига тайёрлаш, тарбиялаш, ўқитиш узлуксиз таълимнинг биринчи босқичи ҳисобланади. Бу давр 3-7 ёшгача бўлган даврни ўз ичига олади. Кейинги босқич мактаб даври бўлиб, унда умумтаълим фанларидан билим бериш билан бир қаторда нуқсонларини тўғрилаш, бартараф этишга йўналтирилган бўлиб, коррекцион таълимга асосланади. Учинчи босқичда шу вазифалар белгиланадики, махсус таълимда олган билимларни янада чуқурроқ ўзлаштириш, касб-ҳунарларни эгаллаш, уларни ижтимоий ҳаётга мослаштириш учун марказлаштирилган касб-ҳунар коллежини ташкил қилиш лозим. Унинг Низом, ўқув режа дастурларини тегишли мутасадди муассасалар билан ҳамкорликда ишлаб чиқиш кўзда тутилган. Махсус таълим муассасаларини тўлақонли ва малакали мутахассислар билан таъминлаш муаммоси мавжуд. Педагогика институти қошида иккинчи мутахассисликни тайёрловчи қисқа муддатли курслар ташкил этиш, тифлопедагог, мактабгача тарбия мутахассислари, меҳнат таълими ўқитувчилари ва бошқа мутахассисликлар тайёрлаш бўйича муҳим ишлар қилиниши керак.

Кадрлр тайёрлаш бўйича миллий дастур асосида махсус таълим соҳасига оид такомиллашган «Истиқболли дефектология» дастури лойиҳаси ишлаб чиқилди. Дастур Узбекистонда ногиронларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни, реабилитация қилишни назарда тутади. Бу борада АҚШ, Германия, Россия давлатларининг иш тажрибасини ўрганиш режалаштирилмоқда.

Махсус таълим олдида турган вазифалардан бири Давлат тасарруфидаги диагностика марказини ташкил этишдир. Бу барча йўналишлар бўйича ногирон болаларни саралаш, яъни жойларда уларнинг қамраб олинганлиги ҳақида маълумотлар тўплаш, методик жиҳатдан таъминлаш, кадрлар масаласи каби муаммони бошқарувчи ташкилот ҳисобланади. Тиббий руҳий педагогик комиссия иши, шунингдек, коррекцион-реабилитация босқичи, таълим-тарбия жараёни бир нав йўлга тушиб, узлуксиз таълим, яъни боғчадан — олий таълимга ёки ҳаётда ўз йўлини топгунга қадар ногиронларни ижтимоий-иқтисодий муҳофазаси билан бу марказ шуғулланади.

Ногирон болаларнинг таълим-тарбиясини такомиллаштириш (ижтимоий таъминот, соғлиқни сақлаш вазирликлари) ногиронлар, кўрлар, карлар жамиятлари, давлат ўз тасарруфида бўлмаган ташкилотлар «Криди» ота-оналар клуби, «Умид» реабилитация маркази ва «Меҳр лойиҳаси» каби муассасалар билан узвий иш юритиш бўйича тадбирлар режаси ишланмоқда. 1996 йилда ЮНЕСКО билан ишлаб чиқарилган дастур лойиҳасига кўра, ўқитувчилар уни мустақил ўрганиб чиқиб, ўз мактабларидаги мавжуд муаммоларни аниқлаш ва ҳал этиш ҳақида ўз фикр-мулоҳазалари билан иштирок этишлари мумкин.

Р. ШОМАҲМУДОВА,
педагогика фанлари номзоди, РТМ дефектология бўлими бошлиғи.

ҚЎШРАБОТДА ЧЎЛПОН КЕЧАСИ

Қўшработ туманидаги Абдулла Набиев номли 64-умумтаълим мактабида яқинда атоқли ўзбек ёзувчиси, шоири, драматурги, таржимони, адабиётшуноси ва жамоат арбоби Абдулҳамид Сулаймон ўғли — Чўлпон таваллудининг 100 йиллигига бағишланган адабий-бадиий конференция бўлиб ўтди.

Чўлпон таваллудига бағишланган тантанада Дилноза Бобоқулова, Санжар Ҳамроев, Муборак Ўтамуродова, Хурриятт Ислиқова, Раъно Боймуродова, Ирода Тангирова, Наргиза Эргашева, Юлдуз Мирзаева, Жаҳонгир Турдиқулов, Шоҳида Обилова, Шаҳноза Нурматова каби ўқувчиларнинг чиқишлари тингловчиларда чуқур қизиқиш уйғотди.

Анжуман сўнгида мактаб ҳаваскорлик дастасининг ижодий чиқишлари бўлди.

Сайфиддин ШОДМОНОВ,
А. Набиев номли 64-мактабнинг олий тоифали ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси.

ҚОНУН ВА ДАСТУР БЎЙИЧА ЎҚИШ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Тошкент вилояти халқ таълими бошқармасида шаҳар ва туман халқ таълими бўлимлари мудирлари иштирокида «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»ни ҳаётга татбиқ этиш бўйича ўқиш ўтказилди. Унда Президент девони Бош консультанти Т. Иминов, халқ таълими вазири Ж. Йўлдошевлар қатнашишди.

Йиғилишда белгиланган вазифалар ҳақида гапириб бериш учун мухбиримиз Тошкент вилоят халқ таълими бошқармасининг бошлиғи О. Тожиевга мурожаат қилди.

— Мазкур йиғилишда шаҳар ва туман ХТБ мудирларига ҳам ўзларида шундай тадбирларни амалга ошириш бўйича тавсиялар берилди. Шу билан бирга вилоят халқ таълими бошқармаси ҳузурида 11 кишидан иборат гуруҳ тузилди. Унда вилоят педагог ходимлари малакасини ошириш институти директори, бошқарма бошлиғи-нинг ўринбосарлари, бўлим мудирлари бўлиб, улар «Таълим тўғрисида»ги янги қонунимиз ва «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»ни тарғиб этиш бўйича махсус тайёргарлик-дан ўтишган. Махсус жадвал тузиб, туманларда ўқишларни тугатдик. Энди мактаб директорларига ҳам педжамоалар билан ўқиш ташкил қилишни тавсия қилдик. Бунда 15 декабргача ҳар бир мактаб ўқитувчилари ўқишади, ўрганишади. Юқорида таъкидлаганимиз, бошқарма ҳузуридаги гуруҳ аъзолари ўзлари бириктирилган туманларга чиқишиб, мактабларда ҳунар лицейларидаги ўқишларга қатнашадилар. Бу жараён янги йилгача давом этади. Янги йилдан кейин эса ота-оналар билан ишлаймиз, чунки ярим йиллик якуни бўйича ҳар бир мактабда ота-оналар мажлислари ўтади. Ўша мажлислар Қонун ва Дастурнинг моҳияти, педжамоа ҳамда ота-оналар олдида турган вазифалар борасида ўзига хос ўқиш вазифасини ўтайди. Шундан сўнг ўқитувчиларимиз ўз ҳудудларидаги жамоа хўжаликлари, корхоналарнинг йиғилишлари, мажлислари баҳонасида янги Қонун ва Дастурда кўрсатилган вазифалар ҳақида чиқишлар қилишади. Ўқишлардан муддаомиз ҳар бир ўқитувчининг вазифасини белгилаб олиш бўлса, ўз-ўзидан бу жараён Қонун ва Дастур моҳияти, ўтиш босқичлари, уларда амалга ошириладиган ишларни тушуниш, ҳис қилиш орқалигина амалга оширилиши мумкин.

Шу билан бирга жойларга чиққанда ҳам қуруқ бораётганимиз йўқ. Масалан, Бекобод туманининг 2-мактабига ва Бекобод шаҳрининг 9-мактабига IB-Мнинг энг охирги русумидаги компьютер мажмуасини ўрнатиб қайтдик.

Пойтахтимиздаги Маннон Уйғур номли мактабда Ўзбекистон халқ шоири Қуддус Муҳаммадийнинг 90 йиллик юбилейига бағишланган учрашув бўлиб ўтди. Бу учрашув чинакам шеърият байрамига айланиб кетди. Тадбирда Ўзбекистон Ёзувчилар союзининг котиби Йўлдош Сулаймон, таниқли болалар шоири Пўлат Мўмин, Сафар Барноев ва бошқа адиб ва ёзувчилар иштирок этди.

Равиль АЛЬБЕКОВ олган сурат.

Fikr, mulohaza, taklif

ЭЗГУЛИК ТАРБИЯСИ

Агар эзгу бўлса авом бошчиси,
Жами эзгу бўлар унинг ишчиси.
Юсуф Хос ҲОЖИБ.

Одамийлик, инсоний бурч, қадр-қиммат, яхшилик қилиш, мурувватли, эзгу ниятли бўлиш чинакам инсоний фазилатлардир. Бироқ бугунги кунда ҳалоллик, эзгу ният ўрнини баъзан шахсий манфаат эгаллаб олаётгани ҳам сир эмас.

Бизнингча, бундай салбий ҳодисаларга оила ва мактабларда берилаётган таълим жараёнида миллий ахлоқ, урф-одатларга эътиборнинг сустлиги, бобокалонларимиз эътиқодлари, турмуш тарзи тажрибалари етарли даражада тарғиб этилмаётгани, ўрганилмаётганлиги ҳам сабаб бўлаётир. Зеро, болада кичиклигидан билимга қизиқиш уйғотилса у ғўзал хулқли, турли касб-ҳунарларга қизиқадиган бўлади, билим олиш, ўрганиш эзгуликнинг белгиси эканлигини англаб етади.

Бола табиатидаги ижобий ёки салбий хислатлар оила ва мактабдаги тарбиянинг аниқ мақсадга йўналтирилганига боғлиқ. Тарбия қомусларидан хабардор ота-она ўз фарзанди қалбида эзгулик куртакларини ёйиш учун имкон яратади. Болада куртак ёзган илк эзгу ният ўз ота-онасига яхшилик қилишида билинади. Шунинг учун эзгулик, яхши ниятлилик боланинг руҳига кичиклигидан сингдирилмоғи зарур. Ёшликда бола қалбида пайдо қилинган эзгулик туйғуси мактабда ўқитувчи меҳнати туфайли бойиб боради.

Бола шахсини шакллантириш, уни камолот сари етаклаш бошланғич синф ўқитувчисидан пухта билим, мустаҳкам ирода ҳамда изланишни талаб этади. Бугунги бошланғич синф ўқитувчисининг фақат дарсликни билиши етарли эмаслигини кундалик турмушнинг ўзи исботламоқда. Бошланғич синф ўқитувчиси илмий-дунёвий билимларни эгаллаб, ўзбек классик адабиётидаги ахлоқий-дидактик ғоялардан фойдаланса, тарбиявий иш самарали бўлади. Масалан, туркий адабиёт намунаси «Қутадғу билиг»нинг «Эзгу (киши)ларга аралашиш эзгуликларни айтади» бобида шундай дейилади:

Тиригликни мун кыл
асыг эзгулук
Йарын болга эгу йэгу
кэдгулук.

Маъноси:

Тирикликда азият торт,
эзгулик фойдалидур,
Эзгулик кейин егулик
(ва) кийгулик бўлади.

Ёки:

Озун эзгу болса атын
огдилинг,
Калы болса эсиз
сокуш эй силиг.

Маъноси:

Ўзинг эзгу бўлсанг,
отинг мақтовга
лойиқдир,
Агар ёмон бўлсанг,
таҳқирга маҳкумсан, эй
латиф

каби тарбия мавзудаги фикрларни болалар қалбига сингдириш фойдалидир. Шоир мисралари мағзини чақиб, инсоний фазилатни белгиловчи яхшилик, ёмонлик каби хислатларни ҳаётий мисоллар асосида такрор-такрор таққослаб ўргатилса, бола яхшиликнинг фойдали, ёмонликнинг эса зарарли эканлигини англаб олади.

Бинобарин, Юсуф Хос Ҳожиб эзгу ниятли кишиларни икки хилга ажратиб кўрсатади: бири — бег, бири — доно. Беглар (яъни мамлакат бошқиқари) билимли бўлса, эл-юрт обод, халқ тинч, фаровон, тотув яшайди. Донолар эса ўз билими билан тўғри фармонлар тузади.

Бошланғич синф ўқувчилари руҳиятига эзгуликни сингдириш усулларидан бири тилда сўзга эътиборни шакллантиришдан бошланади. Инсон тилда жуда кўп сўзлардан фойдаланади. Аммо кичик мактаб ўқувчиси сўзнинг фарқига бормай, унинг ифода мақсадини, фойда-зарарини ҳали тушуниб етмайди. Мактаб ўқитувчиси дастлабки даврданоқ сўзга эътибор ва сезгирликни тарбиялайди. Сўзни ёлғон сўзламаслик, қўпол, ҳаёсиз, заҳархандали, маккорона, андишасиз, бошқаларни масхара қилувчи сўзларни ишлатиш билимсизлик эканлигини таъкидлаб, тўғрисўз, ростгўйлик, ҳалоллик, ақллилик эканлигини уқтиради. Шу ўринда Юсуф Хос Ҳожибнинг қуйидаги ахлоқий қарашларини келтиришнинг тарбиявий аҳамияти катта:

Заковат кўрки сўздир,
бу тилнинг кўрки
сўздир,
Кишининг кўрки юз-
дир, бу юзнинг кўрки
кўздир.
Инсон ўз сўзини тили
орқали сўзлайди,
Сўзи яхши бўлса,
юзи сувланади (яъни
обрў қозонади).

Дили тўғрининг тили тўғри, дейди доно халқимиз. Эзгулик тарбиясини олган боланинг қалби тоза бўлади, ҳеч қачон ёлғон сўзламайди, доимо яхшиликни кўзлаб қадам ташлайди. Ақл ва фаросат кўчасидан четга чиқмайди. Фазилатли ота-она ва тарбия муаммоларини ечиб оладиган муаллимдан сабоқ олган фарзанд-ўқувчи Ватан учун хизмат қилувчи, оила ва ота-она ҳурматини эъзозловчи, эл-юрт ғамини ўйлаб иш юрита оладиган инсон бўлиб етишади.

Саъдулла ШАПОАТОВ,
Алимардон ҚУВОНОВ,
Қарши давлат
университети
ўқитувчилари.

Fanimiz fidoyilari

ИБРАТГА АРЗИГУЛИК УМР

Бу инсонни жуда кўпчилик танийди. Бутун умрини илму фанга бағишлаган, ўтган ҳаёти давомида қанчадан қанча ёшларга мураббийлик қилган, 14 йил мобайнида «зангори экран»да «назарий механика»дан кўрсатув олиб борган. Қишлоқ хўжалиги учун инженерлар тайёрлашда ўз ҳиссасини қўшган. 12 йил Тошкент автомобиль йўллари институтида «Назарий механика» кафедрасини бошқарган. Уз соҳаси бўйича 2 та дарслик, 15 дан ортиқ методик қўлланмалар, монография ва 40 дан ортиқ илмий мақолалар муаллифидир. Бу инсон — етук мураббий Жамол ЗОИРОВдир. 65 ёшни қаршилаётган азиз устоз мамлакатимизда назарий механика соҳасини ривожлантириш учун ҳамон изланяпти. Ёшларга таълим бераяпти. Тетик ва соғлом.

Жамол ака тўрт нафар фарзандни тарбиялаб, вояга етказди. Катта фарзанди — инженер. Кичик ўғли Ҳамза тумани ички ишлар бўлимида ишлайди. Қизлари ўқитувчи.

— Ибн Сино: «Муолажанинг аввали самимиятдир», — дея бежиз айтмаган, — дейди Халқ маорифи аълочиси, профессор Жамол Зоиров. — Ўқитувчи учун ҳам самимият сув ва ҳаводек зарур. Ўқувчисини, талабасини яхши кўрмаган, у билан самимий гаплашмаган ўқитувчи ўзининг мақсадига эриша олмайди.

Қидирбой ТЎЛАБОЕВ.

Oliy ta'lim

ЕТУКЛИК

Бутун Олий педагогика институти олий ва ўрта махсус таълим малакасини, маҳоратини ошириш бўйича нуфузга эга ўзига хос марказга айланди.

Зотан, малака ошириш дегани биринчи галда фикрлаш доираси, миқёси, даражасини кўтариб, ҳар қандай ижтимоий, маънавий-маданий, илмий-услубий муаммолар моҳиятини ёритиш маҳоратини янада юксалтириши, замон тараққиёти билан бирга қадам ташлаши, керак бўлса, ундан бир қадам олдинда юриши англатади.

Мазкур долзарб вазифани бажариш учун институт раҳбарияти ўз тасарруфида 10 кафедра ташкил этиб, уларнинг ҳар бирида ҳам табиий, ҳам ижтимоий-маънавий, маданий таълим соҳалари бўйича республикамиздаги кўпгина таниқли илм-фан заҳматкашлари - академиклари, профессорлари, фан докторлари, номзодларини мужассам қила олди. Уларнинг ҳар бири ўз соҳасига оид истиқлол талабларига мосу хос дастурлар асосида назарий, амалий машғулотлар ўтказаяпти. Кимлар бу борада қандай фаоллик кўрсатиб, қандай ажойиб ютуқларга эришаётгани, умуман олий педагогика масканини ёшлик шижоатию етуклик қудратига тўлдириб тургани хусусида профессорлар Ш. Шаропов, Қ. Усмонов, доцент Г. Бипон ҳаммуаллифлигида яқиндагина чоп этилиб «30 йил» деб номланган мўъжазгина рисолада анча муфассал сўз юритилади.

Олий педагогика институтида ҳафтада бир куп доғдор олиму ижодкорлар, иқтисодчилару арбоблар билан учрашувлар, мулоқотлар ўтказилади. Бундай машғулотлар истиқлолимизга мосу хос олиб борилиб, тингловчиларнинг мазмунавий-руҳий бойитишга, уларнинг фикру онг, тафаккур доирасини кенгайтиришга кўп эътибор берилади. Йўқ, фақат ана шундай ғоятда қизиқарли, қизғин мулоқотлар, учрашувлар, салмоқли маърузалар, баҳсу мунозаралар чекланилмаяпти. Уларга «Амир Темур ва унинг жаҳон тарихида тутган ўрни», «Улуғбек академияси ва олий мактаб», «Табиатни муҳофаза қилиш ва олий таълим», «Ижтимоий-гуманитар ва табиий фанларни ўқитиш, ўқишнинг услубий муаммолари» сингари шу куннинг долзарб муаммоларига бағишлаб, ҳар йили мунтазам ўтказилаётган анжуманлар ва уларда ўқилган, муҳокама қилинган маърузаларнинг қисқача мазмуни, муҳим тезислари алоҳида китобчалар ҳолида чоп этилаётгани табиий равишда қўшилиб кетади ва малака ошириш доираси, миқёси анча кенг эканлигидан гувоҳлик беради.

Албатта, бажарилган ишлар, амалга оширилаётган чора-тадбирлар миқдори, сифати, айниқса, иқтисодий, моддий қийинчиликларга қарамасдан фидокорлик кўрсатаётган олий педагогика институтидаги профессор-ўқитувчилар, таниқли олимлар фаолияти тўғрисида узундан узоқ сўзлашга етарли асослар бор.

Хуллас, ТошДУ қошидаги Олий педагогика институти фаолияти ёшлик шижоатию етуклик қудратига йўғрилган ҳолда яқиндагина Олий мажлисда тасдиқланиб, матбуотда эълон қилинган «Таълим тўғрисида»ги Қонун талабларига мосу хослигини амалда исботлаб келаяпти, бундан кейин ҳам исботлаш йўлида тинмай фидокорона меҳнат қилишга сафарбар этилгандир.

Норбой ХУДОЙБЕРГАНОВ,
филология фанлари доктори, профессор.

Uangi darslik

«ПЕДАГОГИКА КУРСИ»

Ўзбекистон мустақиллик йўлини танлагач, ижтимоий онг ва тафаккуримизга сингдириб келинган Шўро тузумининг алдов ва шовинизмдан иборат мустамлакачилик мафкурасининг сохтакорлик найранглари тарих ҳукми билан йўққликка юз тутди. Маънавиятимизни қақшатаётган шимолий қутбдан эсаётган нохуш шамоллар йўли тўсилиб, азалий шарқона ҳаётимизга қайтиб яшаш, ўзлигимизни англаш, маънавий-тарихий ва миллий қадриятларимиздан тўла баҳраманд бўлиш шароити вужудга келди.

Халқимизнинг асрлар оша тарих силсиласида сайқалланган ва дунё ҳавас қилса арзигулик шарқона маънавиятимиз билан тўйинган ва миллий тарбиямиз билан қувватлантирилган янги миллий педагогика фанини яратиш шу куннинг долзарб илмий муаммоларидан бири эди. Мазкур муаммо мураккаб бўлиши билан бирга унинг холис ечимини топиш оғир, аммо шарафли юмуш ҳам эди. Ижтимоий ҳаётдаги чигал масалаларни ҳал қилишга халқимизнинг фидойи олимлари бел боғладилар. Натижада бу имконият ва илоҳий иноъомдан унумли фойдаланиш бурчини англаган ватанпарвар зиёли вакилларимизнинг саъй — ҳаракатлари боис ижтимоий фанларнинг тарих, адабиёт, фалсафа, санъат каби соҳалари маънавият соҳасидаги бўшлиқни тўлдиришга киришилди. Бундан янгиланиши муқаррар суратда лозим бўлган педагогика фани ва шу соҳанинг етук олимлари ҳам четда қола олмас эдилар. Негаки, тақриз этилаётган «Педагогика курси» дарслиги муаллифлари таъкидлаганидек, «Асримизнинг бошларида жадидчилик педагогикасининг кўзга кўринган атоқли вакили Абдулла Авлоний «Тарбия бизлар учун ё ҳаёт—ё мамот, ё нажот — ё ҳалокат, ё саодат — ё фалокат масаласидир» тарзида қўйилган талабини асримиз охирида Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов мутлақо мустақиллик шароити манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ёшларни ватанпарварлик, миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида юксак маънавий комил авлодлар қилиб тарбиялашни ўз нутқлари ва асарларида асосий ўринга чиқарган эди. Мамлакатимиз раҳбарининг ушбу йўриғи ўтиш даврининг мураккаб шароитларидаги ижтимоий буюртмани ижобий ҳал қилишда сиёсий-маънавий таянч бўлди.

Жамиятнинг моддий асосларини яратишдан кўра, унинг маънавий соҳаларида ўзгариш ясаш жуда мураккаб кечади. Инсон тафаккурида металлга тушган занг каби ўрнашган эски мафкуравий тарбияни қуролсизлантиришга ярақли, унинг ўрнида тафаккурнинг тиниқ ва тоза булоқларини кўзини оча оладиган манбалар, воситалар, ашёлар мажмуаси бўлиши талаб этилади. Бу манбалар янги тафаккур асосида яратиладиган янгиланаётган педагогика фанининг жон озиғи бўлиши лозим. Янги мазмун билан бойитилган мозийнинг маърифий хазиналаридан озиқлантирилган Шарқнинг буюк алломалари дониш ва жавоҳирот дурдоналари билан ўралган ўзбек халқ педагогикаси сарчашмаларидан ҳаётий куч олган Истиқлол Педагогикаси шу тарзда дунё юзини кўрди. Салкам 13 босма табоқдан иборат бўлган, нисбатан ихчам «Педагогика курси» дарслиги талабаларга мўлжалланган. Дарслик «Ўқитувчи» нашриётида чоп этилди. Унга педагогика фанлари доктори, профессор, Республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи Н. Ғайбуллаев ва ўз дарсликлари билан танилган олим, педагогика фанлари доктори, профессор Д. Шодиевлар тақриз ёзишган. Дарсликнинг муаллифлари эса педагогика фанлари номзоди, тарих фанлари доктори, профессор И. Турсунов ва педагогика фанлари доктори, профессор Ў. Нишоналиевлардир. Дарслик тузилишига ва ҳажмига кўра тўрт боб ва 231 бетдан иборат бўлиб, унда шакл ва мазмун мувофиқлиги таъминланган.

Ҳар қандай дарслик давлат ва жамият буюртмаси эканлиги нуқтаи назаридан қаралганида ушбу дарслик мустақиллик манфаатларини ўзида мужассам эта олганлиги яққол кўзга ташланиб турибди. Бу дарсликка қўйилган талабнинг асосийсидир. Унга мустақил фан ва дарслик сифатидаги талаблар эса илмий холислик, тарихий жараён ривожига предмет мақсад ва вазифаларнинг тўғри белгиланганлиги, назарий дидактик ва методик ёндашувлар изчиллиги ҳамда баён этиш усулининг талабага тушунарли бўлиши каби қатор мезонларни ташкил қилади. Дарслик ҳуқуқини олиш учун юқоридаги талаб ва мезонларнинг барчаси босқичма-босқич бажарилиши зарур.

Мазкур дарслик бу жиҳатдан ҳам кўплаб ижобий хусусиятларни мужассам қилаолганлиги билан аввалгиларидан тубдан фарқ қилувчи хусусиятларга эга. Уни қуйидагиларда кўриш мумкин.

1-боб «Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги шароитида таълим-тарбиянинг методологик асослари» дея номланиб, изчиллиги таъминланган ҳолатда ўнта мавзуга ажратилган. Ушбу мавзуларда педагогиканинг предмети, мақсади ва вазифалари, таркибий тузилиши ва асосий тармоқлари, соҳанинг фанлар, айниқса, ижтимоий фанлар билан мустаҳкам алоқаси, педагогикадаги асосий тушунчалар ҳамда истиқлол мафкураси ва инсоний қадриятларнинг ижобий таъсири ишончли манбалар орқали очиб берилади. Айниқса, Таълим қонуниятлари ва таълим-тарбия принциплари, билиш жараёнининг психологияси, педагогик тадқиқотнинг функциялари ва методлари оддийдан мураккабга ва қуйидан юқорига илмий билиш принципларига амал қилиш, педагогик қонуният ва тамойилларни ёритишдаги кучли илмий фикрлар муҳитининг ҳукмронлик қилиши дарслик пойдеворининг мустаҳкам яратилишига замин ҳозирлаган (3—66-бетлар). Унинг янада пишиқ ва бақувватлилигини таъминлаш учун муаллифлар II-бобни педагогика тарихига мурожаат қилиш билан бошлаб тўғри йўл тутганлар. Бу билан улар узоқ йиллар давомида чоризм ва Шўро даври мустамлакачилик тарбия-шунослигидаги догматик тарздаги дарслик яратиш ақидаларини улоқтириб ташлаб ўзликни англаш, буюк мутафаккирларимизнинг қудратли маънавий меросларига мурожаат қилиб, улардан янги миллий тарбия тафаккурини яратишда фойдаланишнинг кенг йўллари кўрсатилади.

Шарқ уйғониш даври, тарбияшуносликнинг дунёга андоза ва намуна бўладиган мезонларини яратганлиги, ана шу унут бўлаёзган қадриятларни амалий ҳаётга тадбиқ этиб, тарбияда рўй берган ўпирилишни тўхтатиш учун муаллифлар тарихга мурожаат қилиб, тўғри йўлни танлаганлигини фақат табриклаш керак.

Умуман, икки бобнинг илмийлиги, изчиллиги дарслик нуқтаи назаридан қаралганда ҳам, тадқиқот талаблари жиҳатдан ҳам зид эмас, балки ҳамоҳанг келади. Дарсликнинг назарий асослари I бобда, II бобда эса педагогика тарихи тарзида берилиши кейинги бобларнинг таркибий қисм сифатидаги узвийлигини таъминлаш, таълим-тарбия жараёнларини янада пухта очишга шарт-шароит ҳозирлаган. Хуллас, тарихий манбалар билан мустаҳкамланган.

III боб дарсликнинг дидактика қисмидир. Аслида таълим мазмунини белгилаш педагогика фанининг асосий масалаларидан бири ҳисобланади. Унинг нақадар муҳим аҳамиятини тўғри тушунмоқ учун айрим мисолларни келтириш жоиз. Масалан, Шўро тарихшунослигининг бутун мазмуни мустамлакачиликни оқлаш, бўйсундирилган, мустамлака халқларни итоат этиш, ўз тарихи, тили, қадриятлари, дини, урф-одатларидан воз кечиш, яъни ўзлигини унутган, қашшоқ пролетар байналмилал сохтакорликка ўтишни тарғиб қилишдан иборат бўлиб келди. Ёки табиий фанларга келсак, Шўро дарсликларида ҳеч қачон аждод мутафаккирларимизнинг фандаги биринчилик мавқеи тан олинмас, фақат урғу «улуғ оға»миз рус ва европа олимларига берилар эди.

Энди эса, барча фанлар мазмунида ўз олимларимиз бобокалонларимиз хизматларини қонуний тарзда ўз ўрнига қўйиш, уларнинг етакчилик ролини холис баҳолаш, уларнинг маънавий меросини дарслик мазмунига сингдириш асосий вазифага айланди. Бу жиҳатдан ҳам муаллифлар дадил ҳаракат қилиб миллий зиёлилик бурчларини ҳалол бажаришга интилганлар.

Дарсликда таълим мазмунини белгилаш шартлари ва мезонлари аниқ кўрсатилади. Талабалар ушбу бобни ўрганиш жараёнида ортиқча зўриқишларсиз таълим мазмунига доир тушунчаларни атрофлича эгаллаб олишга муваффақ бўла оладилар. Таълим мазмуни структураси, мезонлари тушунарли, содда тилда берилган. Мезонлар билан қуроллантирилган талабалар таълим жараёни, унинг таркибий қисмлари ҳақида ҳам (92—100-бетлар) чуқур билимга эга бўладиган теран педагогик фикрларга дуч келадилар.

Таълимнинг ташкилий шакллари ва синф-дарс тизими мавзуини ёритишда муаллифларнинг холис ёндашувини тарихий давларга мурожаат қилишидан кўрамиз. Дастлаб ўрта шарқ мадраса таълими тилга олиниб, сўнгра уни ғарбнинг илғор мутафаккирлари янада такомиллаштириш, унда Я. А. Коменский (XVI аср) ислоҳотининг ижобий аҳамияти очиб берилади (101-бет). Унинг ишларини Англия педагоглари (XVIII аср охири XIX аср бошлари) томонидан ривожлантирилганлиги, натижада Европа таълими тезда тараққиёт сари юз тутганлиги муқояса тарзда баёнини топгандир.

Синф — дарс тизимига АҚШлик олимларнинг қўшган ҳиссасига ҳам дарсликда ўрин берилганки, бу дарсликнинг илғор қарашлар, педагогик ғоялар билан қуролланишини таъминлаган.

Дарсликда таълимнинг ташкилий турлари, уларни муваффақиятли олиб бориш, жумладан, практикум, семинар, факультатив машғулотлар ўтказишга доир қимматли ва янги фикрлар илгари сурилади. Саёҳатлар орқали илмий фикрларни бойитишга ўтмиш замонлардан бошлаб эътибор кучли эканлиги қизиқарли тарзда ўз аксини топган. Ҳақиқатан ҳам ҳақиқий Ватан тушунчаларини англашда ўлкашунослик ва саёҳат жуда катта аҳамиятга эгадир.

Таълим методлари педагогика дарсликларида ёритиб келинган. Аммо бу дарсликнинг ижобий томони шундаки, одатий, яъни амалдаги оммалашган методларгина берилиб қолмай, тест ва рейтинг усули ва унинг билим олиш ҳамда баҳолашда холисликни таъминлашдаги ўрни ва аҳамияти илк бора мазкур дарсликда ўз ифодасини топди.

Дарсликда ўқув-тарбия жараёни фаолиятини кучайтиришга ёрдам берадиган рейтинг усулидан фойдаланиш илғор методларининг етти хил функцияси изоҳланади ва уни қўллагандан кейинги талабалар назарий ва амалий билимларининг даражасини аниқлашга доир ҳукмий хулосалар унинг аҳамиятини янада оширгандир. Чунончи, рейтинг ва тестни амалда қўллашга доир аниқ йўриқлар, уларни қўллашнинг муҳим намуналари, турлари, анкеталаш, ўйин услуби ва сценарийси натижаларини белгилаш балларига қадар аниқ далил ва фактлар, чизмалар орқали, жадвалларга таяниб ранг-баранг усулларда ёритилганки, бу дарсликнинг мутлақо янги ва демократик андоза усулида ёзилганлигидан дарак беради. Бу билан муаллифлар талабалар учун тестни ва рейтинг усулини осон ўзлаштиришга имкон берса, иккинчидан, профессор ўқитувчиларнинг уни ўз талабаларига тушунтириш чоғида рўй берадиган психологик зўриқиш зиддиятлар тўсиқларини олиб ташлаш шароитини яратиб беришга эришганлар. Тест-рейтинг тизимларини айрим камчиликлари ҳам кўрсатиб ўтилган. Бу ҳам дарсликнинг муҳим ютуғидир (136—172-бетлар).

Ниҳоят, дарсликнинг охирги IV боби тарбия назарияси ва амалиёт, тарбия методикаси деб аталиб, унда тарбия жараёнининг таълим билан бирлиги ва ўзига хос хусусиятлари, талабаларнинг шахсий сифатлари, тарбия методлари, ўқувчи ва талаба шахсини тарбиялаш ҳамда ривожлантиришнинг асосий таркибий қисмлари ахлоқий ва жисмоний тарбия ҳамда унинг турлари, мазкур тарбиянинг инсон камолотидаги ўрни, унинг шарқона миллийликка асосланиши, умумбашарий қадриятлари билан бойитилишига дахлдор педагогик жараённи ёритишга қаратилгандир. Шунингдек, гуруҳ ёки синф раҳбарининг тарбиявий иши, мактаб ва оила, жамоатчиликнинг ҳамкорлик муносабатлари, оилада бола тарбияси муаммолари, уни ижобий ҳал қилишга доир аниқ ва илмий-назарий фикрлар атрофлича педагогик маҳорат билан ёритишга ҳаракат қилинган.

Хулоса қилиб айтганда, муаллифлар биринчи марта яратилиши зарур бўлган дарслик қандай ижобий сифатларга эга бўлиши лозим бўлса, уни амалга ошириш йўлида зҳмат чекишган. Янги фикр ва янги ғоя билан кириб боришга ҳаракат қилганлар. Қўриқ ерни ўзлаштириш нақадар қийин кечгани каби илм йўлида қўриқ очиш ундан ҳам оғир иш. Зеро, унда камчиликлар бўлиши ҳам табиий бир ҳолдир. Шу боис келгуси нашрларда эътиборга олиниши мумкинлигини назарда тутиб айрим мулоҳазаларни билдириб ўтамиз.

Биринчидан, Шарқ педагогикаси ғояларининг Ғарб педагогикаси ғояларидан мустаҳкам заминига эга эканлиги янада чуқурроқ ёритилса; **иккинчидан,** ўзбек халқ педагогикаси бу жиҳатдан жуда катта маънавий заминга эга эканлиги муқояса этилса; **учинчидан,** айрим илғор ғарб давлатлари таълимидаги замонавий ўқув тизимлари моҳияти очилиб, уни алоҳида бир мавзу қилинса, **тўртинчидан,** педагогика илмида янги сўз, тушунчаларни қўллаш кучайиб бораётганлигини назарда тутиб 1—2 саҳифа (охирида) педагогик луғат берилса, дарслик янада мукаммаллашган бўлур эди.

1997 йил 29 август Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясида И. А. Каримов «Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори» мавзуидаги нутқида: эски қолипда, мустабид даврда ёзилган дарсликлардан фойдаланиб, эски мафкурадан халос бўлмасдан болаларимизни янгича фикрлашга ўргата олмаймиз, ахир, — дея қуйиниб айтган дониш фикрига «Педагогика курси» дарслиги ўзига хос амалий ишлардан бири бўлди.

Қисқаси, фарзандларимизни янги тафаккур ва миллат мафкураси билан қуроллантирадиган мазкур дарсликка чўнг парвоз тилаб қоламиз.

Ж. РАҲИМОВ,
Ўзбекистон Педагогика
фанлари илмий-тадқиқот
институти бўлим
мудири, педагогика
фанлари номзоди.

«КЕЛАЖАГИМИЗ — ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА»

Мамлакатимиз бозор иқтисодиётига ўтаётган бир даврда, ўсиб келаётган авлод тарбияси эътибордан четда қолмаслиги керак. Андижон вилояти Хўжаобод касб-ҳунар лицейи тарбиячиси Бахтиёржон Ўринов ўзининг бу борадаги иш тажрибасидан қуйидагиларни гапириб берди:

— Бизнинг асосий мақсадимиз — маънавий бой, ҳар томонлама етук инсонни тарбиялашдан иборат. Касб-ҳунар лицейимизда ўқувчилар турли касб ва ҳунар ўрганиш учун билим оладилар. Кичик ва ўрта бизнес ҳисобчиси, меваларни қайта ишлаш, агроном-ҳисобчи-иқтисодчи, ипакчилик-ҳисобчи-иқтисодчи, чилангар-созловчилар, пойафзал тикувчи усталар, ипакчи чевар ва дурадгорлар шулар жумласидандир.

Талабаларнинг 210 дан ошиғи ётоқхоналарда яшайди. Тарбиячиларнинг иш вақти асосан ўқувчилар дарсдан қайттандан кейин бошланади.

Халқимизнинг улкан маданий мероси ва миллий қадриятларимиз биз тарбиячиларнинг ўзгармас дастури бўлиб қолмоқда. Бир неча йил аввал лицейимизда бадиий ҳаваскорлик тўгарагини ташкил қилдик. Бошланишида 10-15 ўқувчи иштирок этди, кейинчалик тўгарагимиз кенгайди, қатнашчилар сони ҳам ўсди. Шундан сўнг «Ёшлик» ашула ва рақс ва «Омонёр» фольклор ансамбларини ташкил қилдик.

Бора-бора бадиий ҳаваскорлар сони 110 тадан ошиб кетди. Бу лицейимизда ўқиётган ўқувчилар умумий сонининг ялпи қисмини ташкил этди. Ўша вақтда туман ва вилоят кўрикларида биринчи ўринни эгаллаб, Республика кўрик-танловига йўлланма олдик. Бу кўрик-танлов Фарғона шаҳрида бўлиб ўтди, у ерда ҳам фахрли биринчи ўринни олишга муяссар бўлдик. Шундан сўнг Тошкентта, Ўзбекистон телевидениесига қатнашчиларнинг бир қисми билан келиб дам олиш дастурларининг бирида иштирок этдик.

Орадан йиллар ўтди, қатнашчилар лицейни битириб кетдилар. Ансамбль ҳам аста-секин тарқай бошлади. Бир неча вақт бизнинг ансамбль ишламади.

Яна ўша ижодий ишни давом эттириш мақсадида бу йил лицейимизга ёш бастакор — мусиқачи Зокиржон Мамадалиевни таклиф қилдик ва биргаликда ишлай бошладик.

Ўқувчиларни бунга қандай жалб этиш, уларнинг истеъдодини қандай аниқлаш мумкин?

Ўқув йилининг бошидан ҳар ҳафтада гуруҳлар ўртасида «Қувноқлар ва зукколар» конкурслари ўтказилиб келинади. Истеъдодли ёшлар танлаб олинадилар ва ансамблга таклиф этиладилар. Бу йил «Қувноқлар ва зукколар», «Зебо ва зукко», «Қўшиқлар байрами», «Лицей иболи қизи» каби қатор тадбирлар ўтказилди. Бу тадбирлар ўқувчига саҳнада ўзини синаб кўриш имконини берса, томошабинга маънавий озуқа беради.

Шунинг учун бизнинг ўқувчиларимиз дарсдан кейин ҳеч ҳам зерикмайдилар.

Суҳбатдош
Гулбаҳром
ЖАНАЛИЕВА.

«ДУНЁ БОЛАЛАРИ ВА СПИД»

(Боши 1-бетда).

боғлиқ гигиеник талабларга риоя қилишга ўргатиш. Ҳар учала босқичда ҳам тарбия жараёнини боланинг нафақат ёши, балки шахсий хусусиятларини ҳам эътиборга олган ҳолда амалга ошириш лозим.

Болани ёшлигидан ота-онаси билан бу мавзуда самимий ва очиқ ойдин гаплашишга қониктириб бориш керак. Маълум бир ёшгача бу жараёнда ҳам ота, ҳам она иштирок этса, сўнгра боланинг жинсига қараб, «ота-ўғил» ёки «она-қиз» доирасида мулоқотни давом эттириш мумкин. Бу мулоқотда ота-она билан бола ўртасидаги носамимийлик, «юзаки уят» ҳисси болани жинсий масалалар бўйича маълумотларни ота-онасидан яширинча, «ташқаридан» олишга мажбур қилади. Ҳар қандай масалада ўз фарзанди учун энг фойдали, энг тўғри маълумотни эса фақат ота-она бериши мумкин.

Жинсий тарбияни амалга оширишнинг III-босқичида, яъни боланинг жинсий етилиши билан боғлиқ бўлган даврда (12—16 ёш) бу жараёнда ўқитувчилар ҳам иштирок этиши мақсадга мувофиқ. Маълумки, 12—16 ёшда бир қатор психофизиологик сабабларга кўра болага тенгқурлари кўрсатадиган таъсир кучи ниҳоятда ошади. Буни жинсий тарбия жараёнида албатта ҳисобга олиш лозим. Чунки ўсмир вақтининг кўп қисмини ўз тенгдошлари орасида ўтказади ва бу даврда, кўпинча, барча турдаги маълумотларни оладики, бу маълумотларнинг айримлари на мактабда, на оилада муҳокама этилади.

Бу вазиятда эса ўсмир ўзи англамаган ҳолда жамиятда қабул қилинган ахлоқий мезонларга зид келувчи тушунчалар ва қарашларини ўзлаштириб олиши, натижада жисмоний саломатлиги ва маънавий камолотига путур етказувчи хатоларга йўл қўйиши мумкин. Масалан, гиёҳвандлик ва жинсий йўл билан юқадиган касалликларга чалиниши кўпинча ўсмирларнинг энг элементар ахлоқий тушунчаларга эга эмаслигининг оқибатидир.

Бу ёш даврида ўсмирларга бериладиган жинсий тарбиянинг асосий мақсади — болада ўзининг жисмоний ҳамда маънавий саломатлигига нисбатан масъулиятли муносабатни шакллантириш, ўсмирларда жинсий ҳаётни бошлаш эҳтиёжини кечиктириш ва уларда жинслараро муносабатларга нисбатан «таваккалчилик муносабати»ни ўзгартиришдан иборат. Бу ёшдаги болалар билан жинсий тарбияни амалга оширишда нафақат уларнинг ёшини, балки миллий анъаналарни, ўсмирнинг ижтимоий келиб чиқишини ҳамда жинсига хос бўлган хусусиятларни ҳисобга олиш лозим.

Мактаб шароитида жинсий тарбияни факультатив машғулотлар ва индивидуал (якка) суҳбатлар шаклида амалга ошириш мумкин. Қизлар ва ўғил болаларни алоҳида гуруҳларга бўлиб ўқитиш мақсадга мувофиқ. Бу машғулотларни олиб борувчи ўқитувчи юқори даражадаги шахсий сифатлар эгаси бўлиши, ўқувчилар орасида ҳурмат ва энг асосийси, ишончга сазовор бўлиши, нафақат педагогик, балки тиббий ва психологик билимларга эга бўлиши даркор.

Ўсмирлар билан жинсий тарбияни амалга оширишда шунга алоҳида аҳамият бериш керакки, ўқувчининг мактабда олаётган маълумотлари билан қўча-кўйда ўзлаштираётган маълумотлари орасида бир-бирига зид фикрлар пайдо бўлмаслиги; акс ҳолда ўқувчида ўқитувчи бераётган маълумотларнинг ишончлилигига шубҳа туғилиши мумкин. Шунинг учун мактабда берилаётган маълумотлар иложи борича ҳар томонлама тўлиқ ва ҳаёт билан узвий боғланган бўлиши талаб этилади. Шуни унутмаслик керакки, мазкур машғулотларнинг асосий мақсади — ўқувчиларга жинсга оид маълум бир маълумотлар заҳирасини бериш билан бирга, уларда ҳаётий масалаларни шакллантиришдан иборат. Бу ҳаётий малакалар ўсмирларни спиртли ичимликлар ва наркотик моддаларни истеъмол қилишдан, фоҳишалик ва кутилмаган эрта ҳомиладорликдан, зўравонлик ва жинсий йўл билан юқтирилган касалликлардан сақланишга, қисқаси, ўзининг жисмоний ва маънавий саломатлигини ҳимоя қилишга ёрдам бериши керак. Бунинг учун ўқувчиларга берилаётган назарий маълумотлар машғулотлар давомида кўплаб муаммоли вазиятларни ҳал этиш ва ишчанлик ўйинлари ёрдамида мустаҳкамланиб борилиши керак.

Ўқитувчи асосий диққат-эътиборини ўсмирнинг ўз-ўзини англаши ва турли ҳаётий вазиятларда тўғри қарор қабул қила олишига, унда гиёҳванд моддалар ва жинсий муносабатларга нисбатан шахсий масъулиятли муносабатни шакллантиришга, жинсий ҳаётнинг бошланишини кечиктиришга ва унга бўлган жиддий муносабатни пайдо қилишга қаратиши муҳим. Бундан ташқари, ўқитувчи томонидан берилган маълумотлар ва ҳаётий малакаларни ўзлаштиришда ўсмирлар орасидаги норасмий етакчи (лидер)лар беқиёс ёрдам кўрсатиши мумкин.

Жинсий тарбия жараёнида юқоридагиларни ҳисобга олиб иш тутилса, кутилган ижобий натижаларга эришиш эҳтимоли анча ошади.

Зироат ЁҚУБОВА.

Парвариш.

Sport

ОММАВИЙЛИК — БОШ МЕЗОН

Газетамизда хабар қилинганидек, XV республика «Қувноқ стартлар» телевизион мусобақалари тўртинчи босқичи саралаш беллашувлари бошланди. Яқинда ўтказилган саралаш мусобақасида Хоразм вилоятининг Қўшкўпир туманидаги Ал-Хоразмий номидаги 17-ўрта мактабнинг «Ғунча» жамоаси билан Навоий вилоятининг Нурота туманидаги Воҳид Абдулла номидаги 18-ўрта мактабнинг «Нур» жамоаси учрашди.

«Қувноқ стартлар» мусобақаси спортни кенг оммалаштиришга қаратилганлиги ҳеч кимга сир эмас. Шунинг учун таҳририятимиз вилоят чемпионлари сифатида саралаш мусобақаларида қатнашаётган жамоалар раҳбарлари, халқ таълими бошқармалари, спорт ташкилотлари вакиллари билан суҳбатлар уюштириб боришни маъқул кўрди.

Қуйида мухбиримизнинг Хоразм ва Навоий вилояти вакиллари билан суҳбати берилаётир.

О. ҚИЛИЧЕВ, «Меҳнат резервлари» КСХ Хоразм вилоят кенгаши етакчи мутахассиси:

— «Қувноқ стартлар» мусобақалари вилоятимизда кенг оммалашиб бормоқда. Мусобақанинг умумтаълим мактабларида уюштирилган биринчи босқич беллашувларида 5—9-синф ўқувчилари қатнашди. Иккинчи босқич мусобақалари ва вилоят биринчилиги беллашувлари байрамона уюштирилди. Бу мусобақаларда Қўшкўпир, Боғот, Янгиариқ ва Шовот туманлари жамоалари ғолиблик учун астойдил кураш олиб боришди. Бу беллашувда Қўшкўпир туманидаги Ал-Хоразмий номидаги 17-мактабнинг «Ғунча» жамоаси ўзининг ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўрганлигини намойиш этиб, финал мусобақага йўлланма олди.

Ал-Хоразмий номидаги мактабда спортнинг енгил атлетика, волейбол, кураш ва бошқа турлари бўйича мунтазам машғулотлари олиб борилади. Мактаб спортчилари Белорусия Республикасидаги тенгдошлари билан учрашувда ҳам ғолиб чиқишганини айтиб ўтса арзийди. Спортчиларимиз навоийлик «рақиблари» устидан ғалаба қозониб, кейинги ўйинларида иштирок этиш ҳуқуқини олишди.

Ю. МУСАЕВ,

Навоий вилояти халқ таълими бошқармаси маънавият ва қўшимча таълим бўлими боғлиғи:

— «Қувноқ стартлар» мусобақасини ўтказишда вилоятимиз халқ таълими органлари жойлардаги жамоат ташкилотлари билан ҳамжиҳатликда иш олиб бориб, кенг ўқувчилар оммасини жалб этишга эътибор беришди. Мусобақалар вилоят «Камолот» жамғармаси, қишлоқ ва сув хўжалик бошқармаси, «Қизил ярим ой» жамғармаси, «Соғлом авлод учун» ва «Болалар жамғармаси», спорт қўмитаси ва бошқа жамоат ташкилотлари билан имзоланган қўшма қарор асосида ўтказилди. Биринчи босқич мусобақаларида 710 жамоа — 23.868 ўқувчи, иккинчи босқичда 151 жамоа — 2296 ўқувчи, учинчи босқичда 4 та жамоа — 183 ўқувчи қатнашди ва Нурота туманидаги Воҳид Абдулла номидаги 18-ўрта мактабнинг «Нур» жамоаси вилоят чемпиони бўлди.

Спорт — соғлик-саломатлик гарови. Айни пайтда спорт дўстлик ва биродарлик, маънавий камолот воситаси. Ўқувчилар мусобақа баҳонасида республика пойтахти Тошкентнинг диққатга сазовор жойлари, музейлар, маданият муассасалари билан танишиб, унутилмас таассуротлар олишди.

Суҳбатдош Ғ. МАННОПОВ.

Sport

ЎЗИМИЗНИНГ ИРОДА

Исроилнинг Яфе шаҳрида теннис бўйича хотин-қизлар ўртасида халқаро мусобақа бўлиб ўтди. Унда ҳамюртимиз Ирода Тўлаганова ҳам қатнашиб қувончга арзийдиган муваффақият муаллифи бўлди. У асосан маҳорат бобида устун рақиблари билан баҳслашган бўлса-да кетма-кет ғалабаларни қўлга киритди ва ушбу мусобақанинг кучли саккизлигидан жой олди.

ПРОФЕССИОНАЛ БОКС

Шу йилнинг 27 декабрида пойтахтимизда А. Навоий номли Санъат саройида профессионал бокс бўйича Осиё профессоинал бокс ассоциацияси чемпионлиги учун мусобақа ўтказилади. Унда юртдошимиз Фарҳод Арслонов қозоғистонлик Қанат Селимбоевга қарши ринга чиқади.

Демак яна 24 кундан сўнг профессионал бокс ишқибозлари санъат саройига тўпланишади.

ҒОЛИБ ЎЗБЕКИСТОН ВАКИЛИ

Россияда шашка бўйича яна бир муҳим халқаро мусобақа ўтказилди. Унда турли мактаблардан 40 нафар шашка усталари қатнашди. Бунда ғолибликни бизнинг вакилимиз Николай қўлга киритди. Шунингдек мусобақа иштирокчилари ўртасида Рига ҳамда Украина вакиллари ҳам яхши натижаларга эришдилар.

ЭРОН — ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИДА ҚАТНАШАДИ

Футбол бўйича 16-жаҳон чемпионатининг барча — 32 қатнашчиси аниқланди. 32-йўлланма Осиё гуруҳидан Эрон терма командасига насиб этди. Улар Австралия терма командасини ўз майдонида 1:1 сафарда эса 2:2 натижа билан қаршилаб финалчилар сафидан жой олишди.

Эртага Марселда 32 команда ўртасида қуръа ташланади.

МЕДАЛЛАР МУБОРАК

Бельгияда сузиш бўйича нуфузли спортчиларнинг навбатдаги мусобақаси бўлиб ўтди. Республикамиздаги ушбу баҳсда қатнашиш учун борганларнинг ҳаммаси муваффақият қозонишди. Спортчиларимиз жами олтита олтин, бешта кумуш ва учта бронза медаллари билан тақдирландилар.

maydonchasi

Xullas...

ЭРИНМАГАН ЭДРИК

Халқимизда «иши йўқ итини суғорар», деган ҳикматли нақл бор. Бу гап америкаликларга ҳам тегишли чиқиб қолди.

Детройт шаҳрида истиқомат қилувчи Эдрик Мозес деган бекорчи ғалати кузатув ишлари олиб борди. Унинг кузатуви, ҳисоб-китоби бўйича ёрқин (қизил, тўқ сариқ, тўқ зангори) рангларга бўялган машиналар, мовий, малла, оқ машиналарга қараганда кам автоҳалокатга учрар экан...

ХАЛОСКОР ЖАРРОҲЛАР

Роппа-роса уч соат давом этган жарроҳлик операциясидан сўнг тошбақа муқаррар ўлимдан халос бўлди. Бу очофатнинг бўғзига қум тиқилиб қолган экан. Дарвоқе, бу ғаройиб операцияни Минск ҳайвонот боғидаги жониворларга кўз-қулоқ бўлиб турувчи врачлар бажаришди.

ЛЕОНТЬЕВ «КОСМОНАВТ» БЎЛМОҚЧИ

Газетамизнинг ўтган сонларидан бирида космонавт бўлмаган ҳар бир одам ҳам космоса чиқиш имкониятига эга булади, дея ишониб, ишонмай бир хабар бергандик. Рус эстрадаси «юлдуз»и — Валерий Леонтьевнинг чинданам осмонда чарақлашга тайёрланаётганлигини эшитиб, ишончимизга ишонч қўшилди. Валерийга бу имкониятни Чингиз Айтматовнинг «Кассандра тамғаси» романи асосида фильм олмоқчи бўлган «Мастер» киностудияси президенти берди. У қўшиқчини ушбу фильмда космонавт ролида ўйнашга таклиф этган. Ҳозир Валерий Леонтьев тиббий-биологик текширувлар институтида астойдил кўрикдан ўтказилмоқда. Ажабмаски, машҳур адибнинг машҳур асари баҳона машҳур қўшиқчи, машҳур «космонавт»га айланиб қолса.

ana shunaqa gaplar

Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент Давлат Университети ректорати касаба уюшма қўмитаси ва хорижий филология факультети жамоаси француз филологияси кафедраси доценти

Фотима САЛИМОВАнинг

бевақт вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

«Маърифат» газетаси жамоаси Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари, таниқли адиб Йўлдош Сулаймонга онаси

Ойимча биби ХАЛИЛ ДОВКОР қизи

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ko'ngil bitiklari

* * *

Маломат тошини отсалар менга,
Номимни булғашса ёмон сўз билан
Оғир ботмасин бу азизим сенга,
Сенинг ҳимоянгни кўтаролмайман.

Лойиқ кўрмадим мен сени меҳримга,
Сенга нафратимни этмайман даъво.
Ўзимнинг шаънимга, ўз тақдиримга
Сендан ҳеч нарсани кўрмайман раво.

* * *

Нур сочарди, ёғду сочарди,
Олам узра шамси мукаррам.
Тун зиёдан титраб қотарди,
Мен дунёга келганимда ҳам.

Дунё яшил боққа ўхшарди,
Кулар эди қирларда кўклам
Пойим узра гуллар тўшарди,
Мен дунёга келганда, олам.

Дўстлар, агар паймонам тўлиб,
Мен дунёни тарк этар бўлсам.
Фақат баҳор турмасин кулиб,
Кузатувчи бўлмасин кўклам.

Хазонларда армонлар калққан,
Куз чоғлари тўлсин паймонам.
Чунки, менинг барча орттирган
Армонларим унда мужассам.

ДОРБОЗ

Қўшкарнай йиғлайди, янграйди сурнай,
Ноғора садоси — юрак ноласи
Дорбоз дор устида кўрсатар ҳунар,
Елкасида эса мурғак боласи.
Дорбозим, кўзларинг боғлиқ бўлса ҳам,
Биласан музаффар бўлажагингни.
Фақат олиб чиқма, дорнинг устига
Мурғак гўдагингни — келажагингни.

Саодат ДОНАБОЕВА.

Ҳурматли Гулнора НАСРИДДИНОВА!

Сизни туғилган кунингиз билан самимий табриклаб, жажжи қалбларни эзгуликка, билимга ошно этишдек машаққатли, масъулиятли ишингизда ҳамиша муваффақият ва омад ёр бўлсин. Соғ-саломат бўлинг!

Тошкент шаҳридаги 308-мактаб жамоаси.

Таниқли журналист Ҳамид Икромов номини даврий нашрларда кўп бор учратгансиз. Яқинда эса Ҳамид ака «Шиша кўз» деб номланган янги қиссасини ёзиб тугатди. Қиссадаги воқеалар силсиласи бевосита одоб-ахлоққа тааллуқлилиги боис ундан парча беришга жазм этдик.

ТАҲРИРИЯТДАН.

ШИША КЎЗ

(Қиссадан парча)

Сафардан қайтган Сафонинг димоғи чоғ. Тошкент аэропортида самолётнинг қулоқни қоматта келтирувчи шовқини, кутиб олувчи ва кузатувчиларнинг шаррос қуяётган ёмғирда у ёқдан-бу ёққа бесаранжом югуришлари, таксичиларнинг мижоз қидириб ҳай-ҳайлашлари, ҳамма-ҳаммаси энди ортда қолди. Сафо «Волга» ойнасини очиб қўйиб, ўз юртининг мусаффо ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас олар, ҳузур қиларди. Радиодан паст овозда таралаётган «Чўли ироқ»ни тинглаб негадир кўзига ёш келарди. Югуриб ўтаётган кўп қаватли уйларга, боғ-роғларга, қора булутларга тикиларкан, енгил машина бир маромда аллалаб, хаёли ўғли Хуррамга учди.

Инсоннинг табиати қизиқда: уйингда бутун оламни сайр этсам, деб орзу қиласан-у, саёҳатга чиқсанг у бутун оламдан азиз туюлади. «Ана, Ғарб дунёси!» — дерди бошини сарак-сарак қилиб, жингалак соч, шаҳло кўз ўғлини ўйлаб. «Ҳозир нима қилаётган экан-а». у ерда кўрган ғаройиб нарсалар: йўлларга ном эмас, номер қўйилгани, ҳар бир йўл учун пул тўланиши... ҳақида албатта сўзлаб беради.

Ўғлининг эндигина ўн олтига қадам қўйгани, кучга тулиб бораётгани қалбида оталарга хос ғурур уйғотар, шўхлиги, ўйинқароқлиги дилининг қаеридадир ғашлик уйғотарди, «ишқилиб, танижони соғ бўлсин-да».

Уйга яқинлашганда Сафонинг юзида сафари бехатар ўтган одамда бўладиган ички бир мамнунлик ва ҳаяжон ифодаси барқ урарди. Энтикиб балконга, учинчи қаватга қарада. «Яна дорга майка-сайкаларни илиб қўйишибди-я», ғижиндию, бир маромда томчилаётган ёмғирга юзини тутди. Томчилар унинг ярим юмуқ кўзларига, юзига урилар, худди силаётгандек ёқимли таъсир қиларди. Шундай чарчаганки, одатда буни узоқ масофадан югуриб келган спортчи аҳволига қиёслаш мумкин. Қани энди уйга кирсаю, ўзини диванга тапа ташласа. Ахир, тун бўйи самолётда мижжа қоқмаган-да. У зиналардан ҳарсиллаб тез кўтарилди. Мана уйи! Эшикка бош қўйиб энтикиб турди. Юраги дукиллаб урар, ўзига ҳам эшитилаётгандек бўларди.

Қўнғироқ тугмасини босди. Эшик ортидан «Ким у? « деган овоз эшитилди, эшик очилдию, сочлари қулоқлари устида паришон тўзғиган, кўзлари соғинчдан ич-ичига ботган Муҳайё ўзини унинг бағрига отди. Халатининг енгларини тирсагигача шимарган, ундан туғилган кунида ўзи совға қилган француз атирининг ҳиди келиб турарди.

Сафонинг «соғинган-да, соғинган бечора», тилининг учидаги бу сўзларга қарши дилида: «Шошма, бир гап бўлганга ўхшайди» деган шубҳа уйғонди.

— Нима гап? Тинчликми? Хуррам, қизалоғим яхшими? Узингни бос, қани улар? — Шундай дея Сафо хоналарни очиб кўрди. Ўғли хонасида йўқ Сафони ҳушига келтирди! Сесканиб ўзини йиғиштириб олдию, қўшнилар эшитмасин дегандай беихтиёр эшикка қаради. Хайрият эшик берк.

Сафо хотинининг ғамли, жиққа ёш кўзларига жонсараклик билан тикилди. Унинг миясига қон қуйилгандек кўзлари аламга тула эди.

— Юрагим сезарди-я шундоқ бўлишини, «қайт бу йўлдан» деб бир неча бор айтдим-а, — деб хонанинг у бошидан, бу бошига бошларини сарак-сарак қилиб юра бошлади.

— Ҳозир у милисахонада, — дея хотини ёқасини ушлади, бўлган воқеани бирма-бир айтиб берди. — Милиса деса юрагим ўйнайдиган бўлиб қолди. Пешонам қурсин! Адойи тамом бўлдим бу боланинг дастидан! Одамларнинг боласи ўн еттида бош бўлиб, отасига дастёрлик қиляпти. Бу болангиз мени адойи тамом қилади, кейин тинчийди. Кеча бундан сал кечроқ денг, энди овқатланиб бўлувдик, — хотини тинка-мадори қуригандай стулга ўтирди, Сафо рупарасида қотиб турарди, — бирдан эшик жиринглаб қолди! Сизми деб ўйлаб теримга сиғмай очсам, бир милиционер «Баҳромов уйдами? « дейди. «Йўқ, чет элда, нимайди? Эртага келиб қоладилар», — дедим. «Туман милисасидан келдим. Ўғлингиз Хуррам қўлга тушди» деса бўладими? Хушдан кетаёздим. Адаси, вой бола туғмай мен ўлай. Бундан кўра тош туғмасмидим. Бир ёқда сиз йўқсиз. «Энди нима қиламан», дейман. «Сафари қурсин, шу пайтта тўғри келмай», дейман. Бошимдан ўт чиқиб кетди.

— Ҳаммасига сен сабабчисан, сен! Неча бор айтдим, кўп эркалатаверма деб, — деди Сафо. У бундан даҳшатлироқ воқеа содир бўлган деб гумон қилган эди. Бу гапни эшитиб, кўнгли анча жойига тушди. Ундаги бу ўзгаришни кузатиб турган хотини эри сафардан келганини ҳам унутиб унга ёпиша кетди:

— Сиз айбдорсиз! Вақтида тарбия бермадингиз, шунақа бўлишига ўзингиз сабабчисиз! — у ўзини диванга отиб аччиқ-аччиқ йиғлади. Хотинига Сафонинг раҳми келиб, юпатишга уринди. Кейин гап орасида сўради:

— Бордингми? Ҳеч нима қилмабдими ўзига ишқилиб?

Ҳа, Муҳайё кечанинг ўзидаёқ борган, лекин болани кўрсатишмаган эди. Шу тонда хотини унга бирон жавоб айтадиган ҳолатда эмас, қўлларини ёзиб, кўзларини жовдиратиб «бир илożини топинг», дегандай бўларди.

— Қўй энди, йиғлайверма. Бўлар иш бўпти. Ғам-алам чекканинг билан яна жойига тушармиди... — У хотинини юпатишга муносиб сўзлар қидирар, шу сўзларни айтаётганда унинг йиғидан тўхтаб, кўзлари жовдираб қараётганини кўриб турарди. Ҳа, хотини унга жуда-жуда суяниб қолганди. Сафо ўғлининг нима сабабдан милицияга тушиб қолганини билолмай ғаранг эди. Худди буни сезгандек хотини гап очиб қолди.

— Нима етишмаётувди унга-я? Ҳозир бировга мушт кўтарадиган замонми? — Муҳайё урнидан турди. — Икки киши бўлиб арзимаган нарсага бир бечоранинг боласини уришибди... — Шу пайт қизчаси уйғониб, кўзларини уқалаб, уларнинг олдига келганда, Сафонинг юзида жуда қизиқ ўзгариш рўй берди: қуйиб-пишиш ўрнига жилмайди. Қизчасини бағрига босиб, ўпди. Буни Муҳайё: «Парво қилма», деган маънода тушунди.

У ўғлини кўришга бораркан, бутун хаёли туман милициясида, қалтақланган болада бўлди. Ҳозир Хуррам, эҳтимол, ёлғиз камерададир. Полда кўкрагини захга бериб ётгандир. Балким «адам қачон келаркинла» деб мўлтираб ўтиргандир. ҳамон кўзларига ишонмасди. Наҳотки?! Бу ҳодисага Сафо лоқайд қарай олмас эди. Оиласи учун иснод. Уни катта-кичик танир, вилоят пиллачилик идораси бошлиғи сифатида ҳурмат қиларди. Ногаҳон у чет элда кўрганларини беихтиёр эслади. Четда-ку, турмуш тарзи бутунлай бошқача: тадбиркорлик, бизнесдан узоқ минг-минглаб одамлар хор. Пулга зор инсон борки, ҳаммаси ночор. Нега бу ёшлар бунақа? Тўқликка шўхликми, ё? Бозор айнитдими ё уларни? Энди таниш-билишлар, қариндош-уруғларнинг олдида ўзини нима деб оқлайди? Уларнинг таъналарини, лабларини буришларини бир зум хаёлинга келтириб кўр. Ишхонадагилар, вилоят раҳбарларига бу гап етиб борса, улар олдида нима деган одам бўлади? Унинг юзи аччиқ олма егандай бужмайиб кетганди. Ваҳимага тушиб, қора терга тушиб кетди. Намхуш ҳаво этини жунжиктирар, осмон юрагини торс ёргудай тунд эди. У бутун тақдири рўпарасидаги тўрт қаватли ғиштин бинода эканини эслаб ҳушёр тортди.

Сафо болалар қабулхонасини аранг топди.

Ҳамид ИКРОМОВ.

(Давоми бор).

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Узбекистон Халқ таълими вазирлиги, Узбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир Ҳалим САИДОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20. Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди. МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32. ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 136-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 136-55-58. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Навбатчилар: Зубайда УСМОНОВА, Алишер НАЗАРОВ.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г-0825. Тиражи 21.111. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 19.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. 1 2 3 4 5 6